БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 217

11 ДЕКАБРЬ ШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Узбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига (1-нчи бет).

Совет Иттифоқида (1-нчи бет).

З. Йўлдошев. — Уй-жой қурилишидаги камчиликларга барҳам берилсин (2-нчи бет).

Франция, Англия ва АҚШ ҳукуматларига Совет Ҳукуматининг нотаси (2-нчи бет).

ТЕАТР. **А. Олимжон.** — «Оғриқ тишлар» (2-нчи бет).

Пахтачиликда янги, прогрессив методларни кенг қўлланиб, мамлакатга тобора кўп пахта етказиб берайлик! Мавжуд резервлардан тўла фойдаланамиз. Пахта далаларининг ҳосилини ошириш воситаси. **Қ. Ҳайдаров.** — Келгуси йилда ҳосил янада мўл бўлади. **Н. Эгамназаров.** — Адрдаги чироқлар (3-нчи бет).

Бельгия Коммунистик партиясининг с'езди очилди (4-нчи бет).

Жаҳон касаба союзлари федерацияси Бош Кенгашининг сессияси очилди (4-нчи бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси (4-нчи бет).

ЮНЕСКОнинг 8-нчи бош конференцияси (4-нчи бет).

Бинокорлик ишларида индустриал методларни кенг қўлланайлик

Коммунистик партия ва Совет хукумати бинокорлик ишларига ҳамавақт катта аҳамият бериб келмоқдалар. Шунинг натижасида мамлакатимизда капитал ва уй-жой қурилиши йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларнинг ўзида СССР халқ хўжалигида капитал қурилишларга 900 миллион сўмдан купроқ маблағ сарфланди. Шу даврда 8000 дан ортиқ йирик давлат саноат корхонаси қайта тикланди, янгидан қурилди ва ишга туширилди. Шаҳар ва посёлкаларда 200 миллиондан знёдроқ квадрат метр уй-жой майдони ва колхозчилар, шунингдек қишлоқ интеллигентлари учун 4,5 миллионга яқин уй қурилди, кўп миқдорда коммунал хўжалик, мактаб, касалхона, клуб ва театр бинолари барпо этилди.

Бу йил областимизда капитал ва уй-жой қурилиши учун ўтган йилга нисбатан кўпроқ маблағ ажратилди. Бинокорлик ишларини механизациялашга имкон берадиган машиналар парки анча кенгайтирилди. Мавжуд имконият ва резервлардан унумли фойдаланиб ишлаётган қурилиш об'ектларининг коллективлари давлат қурилиш планларини бажаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Оҳангарон шаҳар қурилиш бошқармасининг бинокорлари жонажон республикамизнинг 30 йиллик юбилейини меҳнатда юқори кўрсаткичлар блан кутиб олиш учун зўр ғайрат блан ишламоқдалар. Улар қурилиш ишларида илғор, прогрессив методларни қўлланиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Шаҳарда ноябрь ойи капитал қурилиш топшириғи анча ошириб бажарилди. Василий Кутилев ва Иван Туркин ўртоқлар бошлиқ ғишт теручилар бригадаси тезкорлик методи асосида ишлаб ойлик топшириқни 150—160 процентга етказиб бажаришга муваффақ бўлмоқдалар. Областимиздаги қурилиш участкаларида бундай илғорларни кўплаб учратиш мумкин.

Яқинда Москвада бўлиб ўтган бинокорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши бениҳоя катта аҳамиятга эгадир. Кенгашда бинокорлик ташкилотларининг фаолиятини тубдан яхшилаш, бинокорлик ишларида меҳнатнинг индустриал методларини, энг фойдали бинокорлик материалларини кенг жорий қилиш, қуриладиган биноларнинг сифатини яхшилаш ва унинг арзон баҳоларда битишини та'минлаш каби жуда муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Кенгаш қатнашчилари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлигида совет халқи Ватанимиз бахти-саодати учун бутун куч ва билимини тинч ижодий меҳнатга сарф қилаётганлигини, социалистик саноат ва транспортни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш, кенг истe'мол молларини кўплаб ишлаб чиқариш, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада та'минлаш мақсадида бинокорлик ишларининг кенг миқёсда ривожлантирилиши Совет давлатининг тинчлик сиёсатини ифодаловчи ёрқин далилардан бири эканлигини кўрсатиб бердилар. Совет бинокорлари ва бинокорлик материаллари саноатининг ходимлари социалистик қурилиш йилларида, айниқса урушдан кейинги даврда мамлакатнинг куч-қудратини оширишда, аҳолининг моддий фаровонлигини юксалтиришда ва мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашда муносиб ҳисса қўшдилар.

Шунинг блан бирга кенгаш қатнашчилари, бинокорлик ишларида жиддий камчиликлар ҳам мавжуд эканлигини та'кидладилар. Кенгашда биноларнинг ўз вақтида битказилмаслик, мавжуд механизмлардан тўла фойдаланмаслик, биноларнинг ҳаддан ташқари қийматга тушиши каби ҳоллар ҳали ҳам давом этаётганлиги мисоллар блан кўрсатилди. Қурилиш об'ектларида ма'мурий харажатлар кўпайтирилиб юборилмоқда. Кўпгина бинокорлик ташкилотлари капитал ва уй-жой қурилиш планларини бажармайдилар. Шунинг натижасида янги ишлабчиқариш қувватлари ишга солинмаётир.

Бинокорлик материаллари ишлабчиқаручи саноат корхоналарининг раҳбарлари бинокорлик материалларини кўплаб ишлаб чиқаришга, айниқса йиғма темир-бетон конструкциялари ва қурилиш детальлари ишлабчиқаришга етарли э'тибор бермаётирлар. Бундай корхоналарда бинокорлик материалларини кўплаб ишлабчиқариш ва сифатини яхшилашга имкон берадиган мавжуд резервлар ишга солинмаётир. Лойиҳалаш ва архитектура ташкилотларидаги айрим камчиликлар, бу ташкилот раҳбарларининг ўз ишларига мас'улиятсизлик блан қарашлари натижасида лойиха-ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрлаб берилмаслиги бинокорлик ишлари сур'атини тезлатишга халал бермоқда.

Бинокорлик ишларидаги бу жиддий камчиликлар областимиздаги бинокорлик, лойиҳалаш ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноат корхоналари учун ҳам жуда характерлидир.

Чирчиқ шаҳридаги ўртоқ Соколов бошлиқ қурилиш участкасида аҳвол айниқса ёмон. Бу ташкилот кўп вақтдан бери давлат томонидан белгиланган планларни бажармай келмоқда. Қурилиш участкаларида меҳнат гоятда ёмон уюштирилган, прораб ва десятниклар плансиз ишламоқдалар. Бу ерда ишлабчиқариш графиги хўжакўрсинагина тузилади. Қуручилар ўртасида социалистик мусобақа ҳамда илғор иш методларини оммалаштириш ишлари ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Қурилиш раҳбарлари планнинг бажарилмаслигига ҳомаш'ё етишмаганлигини баҳона қилиб кўрсатадилар. Лекин улар мавжуд имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиш ҳақида жиддий ўйламаётирлар. Худди шундай мисолни Янгийўл шаҳар қурилиш ташкилотларида ҳам учратиш мумкин. Бу қурилиш участкаларида мавжуд механизмларнинг ярмидан кўпи фойдаланилмай ётипти. Лекин Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлиги қурилиш участкаларидаги мавжуд камчиликларнинг тезда олдини олиш ва уларни тузатишга яқиндан амалий ёрдам бериш устида жиддий ўйламаётир.

Ҳозирги вақтда қурилиш индустрияси социалистик саноатимизнинг йирик тармоқларидан бирига айланди. Бинокорлик ташкилотлари саноат ва уй-жой қурилиши ишларида бой тажриба ортдиришлар. Қурилиш-монтаж ташкилотлари тажрибали ишчиларга, ихтисосли техник-инженер кадрларга, кучли ишлабчиқариш базасига ва илғор техника—механизмлар паркига эгадирлар. Вазифа—бу мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиб, бинокорлик ишлари сур'атини тезлатишдан, биноларнинг мустаҳкам, архитектура жиҳатидан кўркам бўлишига, уларнинг арзон баҳоларда битказилишига эришишдан иборатдир.

Бинокорлик ишларида меҳнатнинг янги, прогрессив, индустриал методларини кенг жорий қилиш — оғир меҳнат талаб қиладиган барча иш процессларини механизациялаштириш, саноат корхоналарида комплекс асосда ишлаб чиқарилаётган йиғма темир-бетон конструкцияси ва қурилиш детальларидан кенг фойдаланиш биноларнинг мустаҳкам, чиройли бўлишига, тез ва арзон баҳоларда битишига катта ёрдам беради.

Лойиҳалаш ташкилотларининг ходимлари ва архитекторлар бинокорлар олдида турган ҳозирги муҳим вазифаларни ҳал қилишда бениҳоя катта роль ўйнайдилар. Саноат ва граждан қурилишларининг лойиҳа ва архитектурасини ижодий ҳамкорликда ўз вақтида ишлабчиқиш совет архитекторларининг муҳим вазифаси ва шарафли бурчидир.

Бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг ходимлари бинокорлик материалларини кўплаб ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш блан бинокорларимизга яқиндан ёрдам беришлари керак.

Қурилиш об'ектларининг партия, касаба союз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари қуручилар ўртасида сиёсий-оммавий ишларни ҳартомонлама кучайтириб, бинокорлик ишлари сур'атини тезлатишга ёрдам берадиган индустриал методларни кенг пропаганда қилишлари лозим.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАПЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 10 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Сирдар'ё	0,15	96,69	Ховос	0,11	77,38
Оржоникидзе	0,32	93,30	Оққўрғон	0,19	77,22
Мирзачўл	0,14	92,35	Чиноз	0,14	77,19
Калинин	0,29	92,15	Октябрь	0,13	72,22
Юқоричирчиқ	0,33	92,05	Оҳангарон	0,17	69,14
Верхне-волинск	0,17	91,77	Бекобод	0,23	68,65
Гулистон	0,14	87,01	Паркент	0,09	64,58
Қуйичирчиқ	0,20	85,01	Пискент	0,11	64,48
Бўка	0,09	78,42	Ўртасарой	0,21	62,84
Янгийўл	0,20	77,68	Ўртачирчиқ	0,19	62,36

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАПЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 10 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
«Малик»	0,20	105,90	1-нчи «Далварзин»	0,13	78,49
16-нчи совхоз	0,34	95,77	2-нчи «Боёвут»	0,19	78,24
«ЎзССР бешйиллиги»	0,20	85,01	2-нчи «Далварзин»	0,15	75,70
1-нчи «Боёвут»	0,08	81,97	17-нчи совхоз	0,17	72,28
3-нчи «Боёвут»	0,10	80,69	3-нчи «Далварзин»	0,43	64,33
			4-нчи «Боёвут»	0,09	63,70

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 30 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

☆ ☆ ☆

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Тошкентдаги эгар-жабдуқ-галантерея фабрикасининг коллективи республикамизнинг 30 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун курашиб, яхши натижаларга эришмоқда. Фабрика коллективи ички имкониятлардан тўла фойдаланиш натижасида пахта тайёрлаш пунктларида ишлатилаётган бризент ёпғичлар ишлаб чиқариш йиллик топшириғини 300 процентга етказиб бажарди. Биргина октябрь ойининг ўзида пландан ташқари 1200 дона бризент ёпғич ишлаб чиқарилди. Фабрика ишчилари ўзаро социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиб, яхши маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан бирярим ой илгари бажарди. Шунингдек, маҳсулот сифатини яхшилаб, унинг таннархини камайтириш ҳам анча яхши натижалар қўлга киритилди.

Фабрика ишчилари ва инженер-техник ходимлари москвалилар чақириғини кенг муҳокама қилиб ва ўзларининг барча имкониятларини қайта ҳисоблаб бешйиллик планни 1955 йил 10 сентябрьгача бажариш, меҳнат унумини 1954 йилда эришилган даражадан 7 процент ошириш ва йил охиригача 14,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлабчиқариш мажбуриятини олдилар. Корхона коллективи ўз зиммасига олган бу мажбуриятни шараф блан бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Ишчилардан Т. Тошмуҳамедов, А. Ҳамроев ва бошқа ўнлаб илғорлар кундалик смена топшириғини систематик равишда 200 — 250 процентга етказиб бажармоқдалар.

А. КОРКУНОВ.

Чирчиқ шаҳрида катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. **Суратда:** Совет кўчасида қурилган янги уй-жой биноси.

Б. Мазур фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ремонтчилар ҳиссаси

Москва саноат корхоналари коллективларининг ватанпарварлик ташаббуслари Тошкентдаги алоқа ремонт заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимларининг ижодий ғайратларини янада ошириб юборди. Улар москвалилар ташаббусидан руҳланиб, бешйиллик планни 1955 йилнинг 15 сентябригача бажариш ва меҳнат унумини белгиланганидан 48 процент ошириш мажбуриятини олдилар.

Завод коллективи ишлабчиқариш процессларини такомиллаштириш, барча машина ва механизмлардан ҳамда иш вақтининг ҳарбир минутидан рационал фойдаланишлари натижасида 11 ойлик топшириқни муддатидан бирнеча кун олдин ортиғи блан адо этдилар. Улар юбилейолди меҳнат вахтасида зўр ғайрат блан ишлаб, айниқса ўтган ойда меҳнат соҳасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ноябрь ойида давлат плани яхши маҳсулоти бўйича 125,5 процент ва товар маҳсулоти бўйича 137,3 процент қилиб бажарилди. Шу ойнинг ўзида меҳнат унуми 20 процент ортди. Ўтган 11 ой ичида металл, ҳомаш'ё, ёқилғи каби материалларни ва электр энергиясини тежаб-тергаб ишлатиш, ишлабчиқаришда бракка йўл қўймаслик ҳамда қўшимча харажатларни қисқартиш ҳисобига маҳсулот таннархини 22,2 процент камайтиришга эришилди.

Серқўёш республикамизнинг тўйи шарафига бошланган мусобақада ишлабчиқарилаётган маҳсулот миқдорини тинимсиз ошириб бораётган ўртоқ Н. Каюков бошчилигидаги ремонт цехи ва ўртоқ Н. Галенко раҳбарлигидаги механика цехи коллективлари олдинда бормоқда. Бу цехларда ишлаётган биронта ишчи ҳам смена нормасини бажармай қолмайди, деярлик ҳамма ойлик ва квартал планини ошириб адо этади. Юсупов, Тиляков, Магрупов сингари ўнлаб новаторлар эса ўз малакаларини тинмай ошираборишлари, ўзлари ишлайдиган машина ва ишлатадиган асбоб-ускуналарини мукаммал ўзлаштирганликлари, бу механизмларнинг иш унумини тобора ошириб бораётганликлари орқасида смена топшириқларини доимо 3—3,5 ҳиссадан бажариб, ҳозир навбатдаги бешйилликнинг сўнгги йиллари ҳисобига маҳсулот бермоқдалар.

Ғ. МИРАЛИЕВА.



Бекобод металлургилари республикамиз юбилейини муносиб кутиб олиш учун ўзаро социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар. Тезкор пўлат, эритучи Анвар Тошпўлатов юбилейолди меҳнат вахтасида туриб, график топшириғини муддатидан 2 — 3 соат олдин бажармоқда. **Суратда: Анвар Тошпўлатов** бошқариш пульти олдида.

А. Ким фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

Депо коллективининг янги мажбурияти

Москвалиларнинг бешинчи бешйиллик планни муддатидан олдин бажариш тўғрисидаги ташаббусларидан руҳланиб, Тошкент-пассажир паровоз депоси ишчилари ўз зиммаларига йиллик планни 20 декабрьгача ҳамда бешйиллик программани Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллигигача бажариш мажбуриятини олдилар. Коллективнинг шу давр ичида рационализаторлик ва ихтиро'чилик таклифларини ишлабчиқаришда кенг қўлланиш, кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни механизациялаш ҳисобига меҳнат унумини 1954 йилда эришилган даражага нисбатан 5 процент ошириш, ремонт ишлари таннархини 8 процент камайтиришга аҳд қилди.

Депонинг меҳнатсевар коллективи ўз зиммасига олган мажбуриятларини доим шараф блан бажариб келаётир. Депо ишчиларининг жонбозлик блан қилган меҳнати натижасида шу йилнинг 11 ойи ичида пландан ташқари кўпгина паровоз ремонтдан чиқарилди. Паровоз бригадалари белгиланганидан 2 процент кўп ёқилғи тежадилар, ҳарбир ишчининг меҳнат унуми 56 процент ортди.

Депода қўлга киритилган бу ютуқларни мустаҳкамлаш учун кураш кун сайин қизиб бормоқда. Комплекс бригаласининг слесарьлари Карнаухов ва Ғозиев, қозончилардан Ҳолиқов ва Пиденко, машинистлардан Прохоров, Зверев ва Бондаренколар смена нормасини 2—2,5 баравардан ошириб бажараётирлар.

П. ЛОБАНОВ.

Тошкент вагон участкасининг мастери.

1954 йилги машиналар

Ўзбекистоннинг илғор саноат корхоналари — «Под'ёмник», «Чирчиксельмаш», Ильич номли, «Ташсельмаш» заводлари, электромеханика заводи ва бошқа кўп корхона коллективлари 1954 йилги ишлабчиқариш планини муддатидан илгари бажардилар.

Республика машинасозлари бу йил кўп янги машиналар тайёрлаб бердилар. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари биринчи марта чигитни квадрат шаклда уялаб экиш учун агрегатлар, такомиллаштирилган культиваторлар, ўғит машиналари, кўрак териш машиналари, ғўзани чеканка қилиш машиналари олдилар.

Тошкент заводлари мамлакатнинг янги тўқимачилик корхоналари қурилишларига жун ва ип ҳалава ишлаб чиқариш учун янги ускуналарнинг дастлабки партияларини жўнатдилар. Енгил саноат корхоналари кўн ва пойафзал тайёрлаш учун махсус ускуналар блан та'миндилар.

Ўзбекистоннинг машинасозлик заводлари йил бошидан бери қариб 30 хил янги машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

(ЎзТАГ).

Меҳнат унуми ошмоқда

«Учинчи сталинча бешйиллик» артелининг коллективи шаҳар меҳнаткашларига кўплаб юқори сифатли кенг истe'мол моллари ва қурилиш материаллари етказиб бермоқда. Артель коллективи меҳнаткашларнинг кенг истe'мол молларига тобора ўсиб бораётган талабини қондириш учун курашиб, яхши маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан 2 ой илгари бажарди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 90 процентга биринчи сортга қабул қилинди. Ҳозирнинг ўзидаёқ йиллик пландан ташқари ярим миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Артель ишчилари Ватанимиз пойтахтининг илғор корхоналари чақириғини зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар. Бешйилликнинг 3 йил-у 11 ойи давомида меҳнат унуми деярлик 45 процент ошди. Шу вақт ичида кенг истe'мол моллари таннархи 20 процент камайди.

Артель коллективи, Ўзбекистон ССР 30 йиллиги шарафига йил охиригача яна бир миллион сўмлик юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

Й. ЗОКИРОВ.

Совет Иттифоқида

Москва ёзучиларининг йиғилиши

8 декабрьда Москва ёзучиларининг йиғилиши ўз ишини давом этдирди. Кундузги мажлисда совет ёзучиларининг Иккинчи Бутуниттифоқ с'ездига юборилаётган делегация составига кандидатлар кўрсатилди ва кандидатлар муҳокама қилинди. Кечқурун кандидатлар овозга қўйилди. Москва ёзучилари ташкилоти с'ездга ҳақиқий овоз блан 193 делегат ва маслаҳат овози блан 31 делегат юборади.

Москва ёзучиларининг умумий йиғилиши Совет ёзучиларининг Иккинчи Бутуниттифоқ с'ездида қатнашаётган делегацияга бериладиган наказни тасдиқлади. (ТАСС).

«Пахтаорол» совхози ташкил этилганига 30 йил тўлди

ЧИМКЕНТ, 8 декабрь. (ТАСС). «Пахтаорол» совхозининг пахтакорлари совхознинг 30 йиллигини нишонладилар. Бундан ўттиз йил илгари Мирзачўлда ташкил этилган бу совхоз чўлдаги кичик бир ороли ўхшаб кўринар эди. Шу сабабдан, уни «Пахтаорол» деб атаган эдилар. Дастлабки йилларда ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили ўн центнердан ошмас эди. Энциликда «Пахтаорол» — йирик пахтачилик хўжалигидир. Бу совхозда 5. 250 гектар ерда пахта етиштирилмоқда. Бу йил ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили 35 центнерга етди.

Пахтакорларнинг меҳнат шароити тамомила ўзгарди. Илгари ғўза асосан қўл блан парвариш қилинган бўлса, ҳозирги вақтда пахта етиштиришдаги асосий ишлар машиналаштирилди.



Озарбайжон ССР. Энергетиклар шаҳри — Мингичаур шаҳрининг қурилганига 5 йил тўлди. Шу вақт ичида шаҳарда ўнларча чиройли уй-жой бинолари, маданият саройи, ёзги театр, 7 та мактаб, кутубхоналар, 2 та универмаг, бирқанча магазин, болалар муассасаси қурилди. **Суратда:** Сталин кўчасида Мингичаур ГЭС қуручилари учун солинган янги уй-жой биноси.

Ф. Шевцов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Трикотаж молларнинг ассортименти кенгайтирилмоқда

Мамлакатнинг трикотаж саноати бу йил ишлабчиқариш ҳажмини анча кенгайтирди. Ички ва устки трикотаж кийимлар, гулли пайпоқлар ва кўп талаб қилинадиган бошқа хил моллар ишлаб чиқариш кўпайди.

9 декабрьда Москвада СССР Кенг истe'мол саноат моллари министрлиги марказий ассортимент кабинетининг залларида ҳозирги вақтда саноат томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ва 1955 йилда ишлаб чиқариладиган янги хил трикотаж буюмларнинг катта виставкаси очилди. Жам'и уч мингга яқин хилма-хил буюмлар нусхаси виставкага қўйилган, шундан 1100 таси янги хил нусхалардир. Уларни Москва шаҳри, Москва области, Ленинград, Киев, Тбилиси, Таллин ва бошқа шаҳарлардаги 48 корхона юборган.

Косинск фабрикаси, Москва трикотаж комбинати, Шяуляйдаги «Верпстас» фабрикаси янги нусхалар орасида хотин-қизлар учун янги фасонда чиройли қилиб тикилган жемперлар ва жакетлар кўрсатмоқда. Трикотаж саноати илмий-текшириш институти капрон полотнодан тайёрланган янги хил молларни, штапель полотнодан тикилган жемперларни қўйган. Болалар учун тикилган кийим-кечаклар виставкада кенг кўрсатилган.

Стендларда эркаклар ва хотин-қизларнинг чиройлик қилиб тикилган ҳархил трикотаж кийимлари бор. (ТАСС).

Арис-Туркистон канали қурилишида

ЧИМКЕНТ, 9 декабрь. (ТАСС). Арис-Туркистон суғориш каналини қуручилар бугун сув омбори тўғони қуриладиган майдончани тайёрлаб бўлдилар. Сув омборига 370 миллион кубометр сув сигади ва қурилаётган суғориш системасининг асосий иншоати бўлади. Механизаторлар анча қисқа муддат ичида 160 минг кубометр тупроқ қазиб чиқардилар. Бу ерда ер қазиш ишидан бўшаган машиналар магистраль каналнинг Туркистон қисмидаги ерни қазишга киришдилар.

Тўғонни қуришга тайёргарлик кучайтириб юборилди. Тўғонга тўртарим миллион кубометр тупроқ ва 20 минг кубометрдан кўпроқ бетон ётқизилиши лозим.

«Л» сериясидаги учмингинчи паровоз

ВОРОШИЛОВГРАД, 9 декабрь. (ТАСС). Октябрь революцияси номидаги Ворошиловград паровозсозлик заводининг коллективи бугун темир йўлга «Л» сериясидаги уч мингинчи паровозни тайёрлаб топширди. Завод бу хил кучли локомотивларни урушдан кейин ишлаб чиқарабошлаган эди.

Қирғизистон шифохоналари тўғрисида кинофильм

ФРУНЗЕ, 8 декабрь. (ТАСС). Фрунзе хроникал-ҳужжатли фильмлар киностудияси «Тянь-Шань тоғларидаги курортлар» номли янги рангли кинофильм ишлаб чиқарди.

Картинада Қирғизистоннинг шифохоналари жойлашган ғўзал ерлар кўрсатилган ва меҳнаткашларнинг қандай дам олаётганликлари тасвирлаб берилган.

Уй-жой қурилишидаги камчиликларга барҳам берилсин

Янгийўл — бешйилликлар даврида вужудга келган, тез ўсиб бораётган социалистик шаҳардир. Шаҳарда гишт, консерва, ёғ ва пахта тозалаш заводлари каби ўнлаб йирик саноат корхоналари бор. Урушдан сўнгги йиллар мобайнида вино заводи, тикувчилик-пойафзал ва гўшт комбинатлари, ёғ-экспеллер заводи қурилиб, ишга туширилди. Ҳозир шаҳарда катта кондитер фабрикаси қурилмоқда.

Партия ва Ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг фаровон турмуш кечиришлари тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқдалар, уларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида турли саноат корхоналари, маданий-маиший муассасалар қурилишига кўплаб маблағ сарфламоқдалар. Фақат уй-жой бинолари қурилиши учун шаҳар бўйича ўтган йили давлат томонидан 3 миллион сўмдан ошиқ маблағ ажратилгани бунга яққол мисол бўлаолади.

Бу йил ҳам шаҳарда уй-жой қурилиши учун жуда кўп маблағ ажратилган. Унинг миқдори ўтган йилдагига нисбатан деярли икки баравар кўпдир. Шунинг учун ҳам шаҳарда ўтган йилги 3 ўрнига бу йил 5 та қурилиш-монтаж бошқармаси ишламоқда. Булар орасида Ўзбекистон қурилиш трестининг 2-нчи қурилиш-монтаж бошқармасининг коллективи яхши ишламоқда. Бошқарма бинокорлари шу йилнинг 11 ойи давомида 3 об'ектни қуриб, фойдаланишга топширдилар.

Броқ, умуман олганда шаҳарда маданий-маиший муассасалар, уй-жой бинолари қуриш ишларининг сур'ати ҳозирги куннинг талабига мутлақо жавоб беролмайди. Қурилиш-монтаж участкаларининг кўплари 1954 йил учун белгиланган плани қониқарсиз бажармоқдалар. Қурилиш ташкилотларининг бирортаси ҳам 11 ойлик планни бажаролмади. Қурилиш ишлари айниқса Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 1-нчи, «Ўзпродстроймонтаж»нинг 2-нчи қурилиш участкаларида ёмон аҳволда. Бу ташкилотлар бир йилдан бери деярли бирорта ҳам об'ектни қуриб тамомлаганлари йўқ. Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 1-нчи қурилиш участкаси 11 ойлик плани 46,8 процент, «Ўзпродстроймонтаж»нинг 2-нчи қурилиш участкаси эса—атиги 28,1 процент бажарди, холос.

Қурилиш юзасидан белгиланган давлат планининг бу қадар қониқарсиз бажарилиши шуни кўрсатадики, қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, партия ташкилотлари бу муҳим ишга бепарволик блан қараб келмоқдалар. Улар ажратилган маблағ ва мавжуд қурилиш материалларидан тўғри фойдаланиш чораларини кўрмаётирлар.

«Ўзпродстроймонтаж»нинг 2-нчи қурилиш-монтаж бошқармасида (бошлиғи ўртоқ Берзилеев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Егорова) ишнинг сифати ҳам, сур'ати ҳам паст. Бу бошқарма белгиланган план бўйича ёғ заводининг ишчилари учун икки қаватли саккиз квартирали уй-жой биносини 1954 йилнинг биринчи ярмида қуриб тамомлаши керак эди. Броқ, Самарқанд кўчасида қурилаётган бу бинонинг эндигина биринчи қавати қуриб тамомланди, холос. Бу қолоқликнинг асосий сабаби шундаки, участкада қурилиш ишлари ёмон ташкил этилган, бинокорлар ўртасида социалистик мусобақа қизитиб юборилмаган, улар орасида сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борилмайди, илғор бинокорлар тажрибаси оммалаштирилмайди.

Ма'лумки, қурилиш ишларига бевосита прораблар раҳбарлик қиладилар. Аммо бу қурилиш участкасининг прораблари Костогризов ва Фтодосьев ўртоқлар ўз вазифаларига юзаки қараб келмоқдалар. Улар қурилиш ишлари устидан қат'ий назорат ўрнатиш, планда белгиланган ишларнинг тўла бажарилишини та'минлаш ўрнига ишга бирнеча кунлаб келмай кетадилар. Шунга қарамай бошқарма раҳбарлари, партия ташкилоти уларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрмай келаётирлар.

Шаҳардаги пахта заводи, гўшт комбинати ва янги қурилган ёғ-экспеллер заводи ишчиларининг уй-жойга бўлган талаби айниқса катта. Шуни назарга олиб, бу ташкилотларга уй-жой бинолари қуриш учун жуда кўп миқдорда маблағ ажратилди. Масалан, ёғ-экспеллер заводи 540 минг сўм маблағ олди. Завод ишчиларининг оилалари учун учта икки қаватли 6 квартирали уй-жой биноси қурилиши керак. Қурилиш 1954 йилнинг 10 ойи ичида тамомланиши керак эди. Белгиланган вақт аллақачон ўтиб кетди. Аммо бу ерда ҳалигача ҳатто қурилиш ишлари бошлаб юборилмаган.

Пахта заводининг ишчилари учун Ленин кўчасида икки қаватли бино қурилиши бир йилдан бери давом этмоқда. У ҳозиргача қурилиб, фойдаланишга топширилиши керак эди. Ваҳоланки, сўнгги кунларда бу ерда иш бутунлай тўхтатиб қўйилган. Гўшт комбинати эса, қурилиш учун ажратилган маблағнинг фақат 5 процентинигина сарфлади, холос.

Шуниси қизиқки, қурилиш ишларининг бу қадар ёмон аҳволда эканлиги шаҳар партия ва совет ташкилотларини ташвишга солмаётир. Шаҳар ижроия комитети (раиси ўртоқ Умарова) ўз сессияларида қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитмайди, белгиланган давлат планининг бажарилишини та'минлаш чораларини кўрмайди. Шаҳар партия ва совет ташкилотлари қурилиш ташкилотларига раҳбарликни яхшилашлари, уларга нисбатан талабчанликни оширишлари, уй-жой бинолари қурилишидаги жиддий камчиликларни тезда тугатиш чораларини кўришлари керак.

Яқинда Ватанимиз пойтахти Москвада бинокорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини тамомлади. Кенгаш қурилиш ишларидаги камчиликларни очиб ташлади ва қурилиш ташкилотларининг бундан буёнги вазифаларини белгилаб берди.

Янгийўл бинокорлари кенгаш қарорларидан ўзларига тегишли хулосани чиқариб олишлари, меҳнаткашлар учун уй-жой бинолари қуриш ишининг сур'атини кучайтириб, сифатини яхшилашлари керак.

З. ИЎЛДОШЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Клубларнинг корхоналар блан алоқасини мустаҳкамлайлик“

Газетамизда юқоридаги сарлавҳа остида мақола босилиб, унда Оҳангарон шаҳридаги кўп клубларнинг маданий ишлар марказига айланмагани, илғорларнинг иш тажрибаларини оммалаштиришга етарли э'тибор берилмагани, уларнинг саноат корхоналари блан мустаҳкам алоқада бўлмай келаётгани кўрсатилган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Оҳангарон шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мариничевнинг хабар қилишича, мақола шаҳар совети ҳузуридаги доимий маданий-оқартув комиссиясининг кенгашида муҳокама қилинган. Кенгаш газетада кўрсатилган камчиликларни тўғри деб топиб, клубларнинг ишларини жонлантириш ва уларнинг ишлабчиқариш блан алоқасини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча тадбирлар белгилаган.

ХАЛҚ СУДЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Тошкентдаги 1-нчи босмахона ишчиси Ҳалима Юнусова смена топшириғини доим ортиғи блан бажариб келмоқда. Босмахона коллективи КПСС а'зоси Ҳалима Юнусовани халқ маслаҳатчилигига кандидат қилиб кўрсатди.

Суратда: ўртоқ **Ҳ. Юнусова** иш устида.

В. Лейн ва **Б. Мазур** фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

☆ ☆

Сайловчиларга маданий хизмат кўрсатамиз

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маданият бўлими ҳузурида ташкил этилган шаҳар кинолекторийси суд сайловлари кунига тайёргарлик ишларини қизитиб юборди. Октябрь, Сталин район меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш учун республика маданият уйида, сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият бошқармаси биносида кинолекторийлар ташкил этилган эди.

Шаҳар лекция бюросининг лекторлари жойларда ташкил этилган лекторийларда «Совет суди дун'ёда энг демократик суд», «Халқ маслаҳатчиларининг вазифалари» деган темаларда лекция ўқиқмоқдалар. Шаҳар кинолекторийсида лекциядан сўнг меҳнаткашларга турли илмий-оммабоп ва техникага доир фильмлар кўрсатилаётир. Биз сайловга тайёргарлик кунларида сайловчиларга илмий-оммабоп фильмлар кўрсатишни кучайтирамиз.

Н. ЗУФАРОВ.

Кинолекция директори.

Агитаторлар йиғилиши

Тошкент шаҳар Сталин районидаги 36-нчи сайлов пункти халқ судлари сайловига тайёргарлик ишларини намунали уюштармоқда.

Яқинда агитаторларнинг йиғилиши бўлди. Йиғилишда эгар-жабдуқ ва галантерея фабрикаси партия ташкилотининг секретари ўртоқ К. Ананьев агитаторларнинг сайлов кампанияси давридаги вазифалари тўғрисида инструктаж ўтказди. Агитпункт мудири ўртоқ А. Степанов «Совет суди дун'ёда энг демократик суддир» деган темада лекция ўқиди.

Кўп сонли агитаторлар фабрика ишчилари ўртасида ва хонадонларда халқ судларига сайлов тўғрисида суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Т. ЎРУНОВ.

ФРАНЦИЯ, АНГЛИЯ ВА АҚШ ҲУКУМАТЛАРИГА СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ НОТАСИ

Совет Ҳукуматининг шу йил 23 октябрьдаги ва 13 ноябрьдаги ноталарига Франция, Англия ва АҚШ Ҳукуматларининг Москвадаги ўз элчихоналари орқали Совет Ҳукуматига шу йил 29 ноябрьга жавоб ноталари юборганликлари матбуотда хабар бериб ўтилган эди.

Франция Ҳукумати нотасининг тексти совет матбуотида 2 декабрьда э'лон қилинган эди.

СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Франция, Англия ва АҚШнинг Москвадаги элчихоналарига 9 декабрьда Совет Ҳукуматининг жавоб нотасини юборди.

Қуйида Совет Ҳукуматининг Франция Ҳукуматига юборган нотасининг тексти келтирилади.

«СССР Ҳукумати Совет Ҳукуматининг шу йил 23 октябрьдаги ва 13 ноябрьдаги ноталарига жавобан Франция Ҳукуматининг 29 ноябрьда юборган нотасини олганлигини та'кидлайди.

Франция Ҳукумати Европада коллектив хавфсизлик масаласини Европанинг бошқа давлатлари блан биргаликда кўриб чиқмоқ учун чақирилган кенгашда қатнашишни лозим топмаганлигини Совет Ҳукумати афсусланиб ма'лумотга олади.

Франция Ҳукуматининг нотасидан кўриниб турибдики, у, Германиянинг бирлигини тиклаш ҳамда умумгерман эркин сайловларини ўтказиш масаласини, шунингдек Европада коллектив хавфсизлик системасини барпо қилиш тўғрисида Умумевропа кенгаши чақириш масаласини кўриб чиқмоқ учун Франция, АҚШ, Англия ва Совет Иттифоқи Ташқи Ишлар Министрларининг кенгашини ўтказиш тўғрисида СССР Ҳукуматининг таклифини ҳам қабул қилмаган.

Франция Ҳукумати Умумевропа кенгашида қатнашишдан ва Европада коллектив хавфсизлик тўғрисида Совет Ҳукумати томонидан қўйилган таклифларни кўриб чиқишдан бош тортибгина қолмасдан, шу блан бирга, у, Европада коллектив хавфсизликни та'минлаш юзасидан ўзи ҳам ҳеч қандай таклиф киритмаган. Яна шу нарса ҳам ма'лумки, Франция Ҳукумати бундай кенгашда Европадаги бошқа давлатларнинг қатнашувига халақит беришга Шимолий Атлантик блокининг бошқа қатнашчилари блан биргаликда ҳаракат қилиб келди.

Бу блан Франция Ҳукумати шундай йўл тутдики, бу йўл унинг Европада тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида Европадаги бошқа давлатлар блан бамаслаҳат бир фикрга келишга интилмаётганлигини ва Европа хавфсизлигининг самарали системасини вужудга келтиришга тўсқинлик қилаётганлигини кўрсатади.

Франция Ҳукумати Европада коллектив хавфсизликнинг самарали системасини вужудга келтириш ўрнига Ғарбий Германияни қайта ҳарбийлаштириш ва уни агрессив Шимолий Атлантик блокига ҳамда ба'зи ғарб давлатларининг Европадаги тинчликсевар давлатларга қарши қаратилган бошқа ҳарбий гуруҳларига тортиш тўғрисидаги Париж битимларини ратификация қилдиришга зўр бериб интилмоқда. Бундай сиёсат Ғарбий Германияни милитаристик давлатга айлантиришга ва бу ишнинг хатарли оқибатларига олиб келадики, Ғарбий Германиянинг қайта ҳарбийлаштирилиши уни тинчликсевар Германия Демократик Республикаси блан битта давлат қилиб бирлаштиришни мумкин бўлмайдигган ишга айлантириб қўйиши тўғрисида гапириб тўхтармаслиги мумкин эмас. Франция Ҳукумати учун шу нарса ҳам нома'лум бўлиб қолиши мумкин эмаски, Париж битимларида айтилаётганидек, герман милитаризмининг «чекланиб» қўйилишига ва бу ҳақда қоғозга ёзилган гарантияларга Европа халқлари ишонмайдилар, бунинг сабаби ҳам ма'лум.

Париж битимларида кўзда тутилганидек, Ғарбий Германияда милитаризмнинг тикланиши ва ғарбий герман армиясининг вужудга келтирилиши ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида муҳокама қилинаётган планга, я'ни қурол-яроғларни ялпи камайтириш планига ҳам тўғри келмайди. Париж битимларининг ратификация қилиниши герман масаласини манфаатдор давлатлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал этишга ҳалақит бермайди деб тушунтириш учун қилинаётган уринишлар ҳақиқий аҳволга тўғри келмайди, шу блан бирга бундай уринишлар жамоатчилик фикрини чалғитиб қўйишигина мумкин, холос. Бундай уринишлар халқларнинг ҳуш'ёрлигини гафлатга қолдирмоқ учун ҳозирги вақтда Франсияда ва бошқа мамлакатларда қилинаётган найрангларнинг ўзгинасидир.

Ҳақиқатда эса, Ғарбий Германияни милитаристик давлатга айлантиришни ва уни Европадаги бошқа давлатларга қарши қаратилган ҳарбий гуруҳларга қўшиб олишни кўзда тутучи Париж битимларининг ратификация қилиниши Германияни бирлаштириш тўғрисида тўрт давлат ўртасида олиб бориладиган музокараларни ўринсиз қилиб қўяди ва бу масала устида битимга келиш имкониятини йўққа чиқаради. Париж битимларининг ратификация қилиниши халқаро муносабатлардаги кескинликни камайтиришга интилмасдан, аксинча, шу кескинликни янада кучайтиришга интилаётганлар учун даркордир.

Ғарбий Германияда милитаризмнинг тикланиш ҳавфи дангал пайдо бўлган ҳозирги аҳволда Европада янги уруш ҳавфига нисбатан халқларнинг ҳуш'ёрлигини бўшаштириш айниқса йўл қўйиб бўлмайдиган ишдир.

Ғарбий Германияни қайта ҳарбийлаштириш ишларининг ўтказилишига ва Франциянинг ҳамда Шимолий Атлантик блоки орқали у блан боғланган давлатларнинг агрессив сиёсати яна кучайтирилаётганлигига жавобан Совет Иттифоқи ва бошқа тинчликсевар мамлакатлар ўз қурол-яроғларини кучайтириш ва ўзларининг ҳавфсизликларини та'минлаш юзасидан зарур бўлган ҳамма чораларни кўрадилар. Совет Иттифоқи ва бошқа тинчликсевар мамлакатлар тинчликни сақлашга ҳавф туғдираётган агрессив давлатларнинг ўсиб бораётган қуролли кучларига қувватини ундан қолишмайдиган кучни ҳамда ўзларининг мудофаага ва тинчликни ҳимоя қилишга тайёрлигини қарама-қарши қилиб қўймоқ учун зарур бўлган ҳамма чораларни сра кечиктирмай кўришга мажбурдирлар. Франция ва Шимолий Атлантик блокидаги бошқа давлатларнинг агрессив планлари зўр бериб қуролланишни янада кўпроқ кучайтиришга сабаб бўлмоқда. Бу блан улар тинчлик манфаатларига тўғри келмайдиган ҳамда Европада янги уруш ҳавфини анча кучайтиришга олиб келаётган ўзларининг ҳозирги сиёсатларидан келиб чиқадиган оқибатлар учун бутун жавобгарликни ўз зиммаларига олмоқдалар.

Париж битимларининг имзоланиши ва ҳозирги вақтда Европада рўй берган аҳвол муносабати блан Совет Иттифоқининг тутаётган позицияси СССР, Польша Халқ Республикаси, Чехословакия Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси ва Албания Халқ Республикаси Ҳукуматларининг Европада тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан Европа мамлакатларининг Москва Кенгашида 2 декабрьда биргаликда қабул қилинган Декларациясида ифоладанган.

Москва Кенгаши ишларида қатнашган Хитой Халқ Республикасининг Ҳукумати ма'лумки, Москва Кенгаши Декларациясига ўзининг тўла равишда қўшилганлигини ва уни қувватлаётганлигини билдирди.

Совет Ҳукумати ушбу нота блан биргликда мазкур Декларациясининг тексти ни Франция Ҳукуматига юборади.

Австрия масаласига келганда, Совет Ҳукуматининг бу масаладаги позицияси тўрт давлатнинг Берлин кенгашида тақдим этилган таклифларда ва, шундан кейин, Совет Ҳукуматининг тегишли нота-ларида ифодалаб берилган. Париж битимларининг ратификация қилиниши манфаатдор давлатлар блан Австрия ўртасида Австрия масаласи устида шу қадар матлуб бўлган келишувга келишга ёрдам бермаган бўлур эди, албатта.

Совет Ҳукумати томонидан айни мазмундаги ноталар Англия ва, АҚШ Ҳукуматларига ҳам юборилди».

* * *

СССР, Польша Халқ Республикаси, Чехословакия Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси ва Албания Халқ Республикаси Ҳукуматларининг Европада тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан Европа мамлакатларининг Москва Кенгашида 1954 йил 2 декабрьда қабул қилинган Декларациясининг тексти Совет Ҳукуматининг нотасига илова қилинди.

ТЕАТР

„Оғриқ тишлар“

Ўзбек драматурглари ва сан'ат ходимлари Коммунистик партиямизнинг XIX с'езди кўрсатмаларига амал қилиб, совет воқи'лигидаги салбий воқиаларни сатира ўти блан куйдириб ташлайдиган реалистик асарлар ижод этмоқдалар. Аммо уларнинг онгида эскилик иллатлари—эгоизм, бурденалик, маишатпарастлик, хотин-қизларга бой-феодальларча муносабатда бўлиш хусусиятлари мавжуд. Феодализм ва капитализмдан ярамас мерос бўлиб қолган бу нуқсонлар яшовчан бўлиб, аслида онги, сиёсий савияси, маданият даражаси паст бўлган ба'зибир кишиларни бу нуқсонлардан халос қилиш иши осон эмас. Бундай эскилик қолдиқларига, маразларга қарши кураш формалари кўп. Булардан бири — сатира ўти блан куйдиришдир.

«Оғриқ тишлар» сатирик комедиясида тиш техниги Марасул, район ижроия комитети раисининг ўринбосари Заргаров ва унинг хотини Ҳуморхон каби салбий образларда коммунистик жамият қуриш ишига, ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашга тов бўлаётган кишилар типи умумлаштириб берилган. Ўзини етук интеллигент ҳисоблаган, аслида Хлестаков типидаги мирқуруқ, мақтанчоқ Марасул ўрта мактаб ўқувчиси Насибани тўғри, ёруғ йўллан—катта ҳаёт йўлидан адаштириб, уй чўрисига айлантирмоқчи бўлади. Лекин, Насибани коллектив ҳаётидан, мактабдан ажратиб олиб, унинг итоаткор чўрисига айлантириш осон иш эмас. Бунга совет қонуни ва жамоатчилик йўл қўймайди, албатта. Шунинг учун ҳам Марасул социалистик жамиятда яшаб, ҳатто раҳбар совет органларида ишлаб туриб бўлса ҳам эскилик қолдиқларидан қутилаолмаган иккинчи бир кишини кўмакка чақиради, район ижроия комитетининг мас'ул ходимларидан бири, маиший жиҳатдан бузилган Заргаровдан мадад кутади. Заргаров Марасулга ҳомийлик қилади, ёрдамга келади. Балоғатга етмаган Насибани ЗАГСдан ўтказиб бериш орқали совет қонунини бузган, ўз амалини суиисте'мол қилган Заргаров Марасулдан пора ейди.

Асарда конфликт динамик равишда кучаяборади. Жамиятимизда ҳамон эскиликни ташиб юручи кишилар блан доимо олға қараб интилучи ҳақиқий совет кишилари орасидаги тўқниш жиддийлашади. Мактаб дирекцияси ва комсомол ташкилотининг вакиллари, район ЗАГС ходимлари, район халқ маорифи бўлими Насибани ўқишда олиб қолиш учун курашадилар.

Броқ, ижобий қаҳрамонлар вақтинчалик муваффақиятсизликка учрайдилар. Реалистик сан'атда воқиани шундай акс эттириш мумкин. Чунки, ижобий ва салбий қаҳрамонлар тўқнашувида доимо ижобий қаҳрамонлар ғалаба қозониши шарт эмас, балки вақтинчалик чекинишлар ҳам бўлади, аммо бу ҳол — келажак курашларда янгининг ғалаба қозониши учун йўл очиши керак. «Оғриқ тишлар» комедиясида ҳам шундай ҳол юз беради.

Насиба Марасул ва унинг онаси Фотимакаҳа макрига, ўз онасининг оғир ҳақидаги сохта орзуларига алданиб Марасулга турмушга чиқади. Оилавий ҳаётдаги дастлабки, вақтинчалик фаровонлик, тинч ва «бахтли» кунлар Насибанинг бошини айлантиради. Бу—Насибани ичкарида, уй юмушлари блан ўралашиб қолишдан қутқариб, яна ёруғ йўлга, ўқишга тортишга урингган софдил кишиларнинг курашидаги биринчи ва охирги муваффақиятсизлиги эди.

Марасул ва ҳомийларининг ҳақиқий башарасини фош этиш учун эскилик блан янгилик ўртасидаги курашда Насибанинг ўзи актив иштирок этиши шарт бўлиб қолади. Драмада воқиалар ривожланабориб, бир-икки йиллик оилавий ҳаётда Насибанинг кўзи очилгани, алданганини сезиб олгани сўнгги картиналарда типиклаштириб кўрсатилади. Насиба бир болали бўлгач Марасулнинг э'тиборидан четда қолади. Марасул уни «қўтир эчки» деб аташгача бориб етади. Насиба ўқишдан, жамоат ишларидан мутлақо ажралиб қолади, чайқовчи қайнонанинг чўрисига айланади. Марасул ширин-ширин ва'даларини — ўқитиш ҳақида берган ва'даларини унутади, хотин киши уйда эрининг изми бўйича яшовчи чўри бўлиши керак, деган реакцион қараш Марасулда ҳукмронлик қилади. Натижада золим эр ва жоҳил қайнона, Насибаларни ўша маш'ум «ичкари» азоблариға гирифтор қилучи ба'зи паразитларнинг типик вакиллари сифатида тамошабин кўз ўнидан яна бирма-бир ўтади.

Драма ва спектакльда иккинчи бир параллель воқиа ҳам зўр маҳорат блан ривожлантирилади. Мансабпараст, маишатпараст Заргаров ўз хотинини уч боласи блан ҳайдаб юборибди, Ҳуморхон деган таннозга аёлга уйланади. Унинг бу кирдикорига шахсий тиш кабинетининг эгаси, пулдор Марасул моддий ёрдам беради. Аммо орадан кўп ўтмай Заргаров ва унинг қонунсиз хотини Ҳуморхон Заргаровнинг биринчи хотини Оқилахондан қаттиқ зарба еқдилар. Ўз ҳаёт йўлини топиб олган ишчи аёл Оқила Заргаровни фош этади. Оқибатда Заргаровнинг сирлари партия, совет ташкилотларига ма'лум бўлади, у партия сафидан ўчирилади, ўз вазифасидан четлаштирилади.

Марасул оиласи ва қўшниси Заргаровлар хонадонидаги чиркин ҳаёт Насиба онгида ўзгариш ясайбошлагач, у кескин кураш йўлига киради. Унинг учун эски ҳаёт ўзасидан, ботқоқ ҳаётдан қутилиб чиқиш ончалик қийин эмас. Чунки социалистик тузум ва унинг адолатли қонуни, жамоатчилик Насибаларга ёрдамга келади. Совет мактабида тарбия олган Насиба психологиясидаги бу ўзгаришлар ёш артист Ирода Алиева ижросида ишонарли қилиб берилади.

Насиба ўз хатосини тузатиш учун зўр бериб ҳаракат қилар экан, иродали ва идроклі совет ёшларига хос характерли комсомол қиз эканлигини амалда кўрсатади. Шунинг учун ҳам у Марасул оиласидан узил-кесил кетишга қарор қилади. Насиба ўз бахтини сохта муҳаббат ва безакларда эмас, балки ўзи кўз очиб кўрган янги ҳаётида топаолишига қат'ий ишонган ҳолда иллатли оиладан кетади.

Социалистик жамиятда ҳукмрон бўлган янги совет аҳлоқи, янги оилавий тартиб ва совет кишисига хос юксак фазилатнинг тантанаси бу сатирик комедиянинг охирги картиналарида ёрқин ифодаланган. Шу жиҳатдан ҳам асар ва спектакльдаги воқиа типиклаштириб берилгандир.

Асарда муваффақиятлар блан бирга айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, тиш техниги Марасул Насибани ҳақорат қилади, унинг ҳаётини ўзи ботган ботқоққа ботирмоқчи бўлади, броқ у спектакльнинг охирида жамоатчиликнинг жазосига учрамай, омон қолади. У Насибага қараб: Сен эшигимга ялиниб келганингда яна бир жонон уйда ўтирган бўлади, деб мақтанади. Бизнингча, Марасул ҳам Заргаровдек халқнинг, партия ва совет ташкилотларининг қаттиқ зарбасини еиши керак эди. Чунки, унинг фақат Насиба олида эмас, балки жамият олдида қилган гуноҳи беҳад оғир.

Марасул ролини ўйнаган Ўзбекистон ССР халқ артисти Наби Раҳимов, режиссёр Александр Гинзбург ва автор Абдулла Қаҳҳор бу образни янада мукаммаллаштириш учун унинг жазоланишини тамошабинга кўрсатиб беришга интилсалар яхши бўлади. Иккинчидан, республика халқ артисти, Сталин мукофотининг лауреати Лутфулла Назруллаев мактаб директори педагог Федор Матвеевич ролини умуман яхши ижро этсада, унда халқ маорифи ходимлари учун ҳам характерли бўлган куйди-пишдилик, ҳаракатчанлик ва киши психологиясини тезда пайқаб олучилик хусусиятлари етишмайди. Ўртоқ Назруллаев мактаб директори образидаги активлик, ҳаракатчанликни янада чуқурроқ очиб бериши керак.

Спектакльнинг яхши чиқишида театр коллективининг зўр маҳорат кўрсатганини алоҳида қайд қилиб ўтиш зарур. Заргаров ролини ижро этган Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳамза Турдиев, Марасулнинг онаси Фотима ролини бажарган Ўзбекистон ССР халқ артисти Зайнаб Садриева, Роҳила ролини ижро этган республикада хизмат кўрсатган артист Тошхон Султонова, Насибанинг дўстлари ролида ўйнаган артист Эркли Маликбоева ва Лола Бадалова ўз қаҳрамонларининг ички дун'ёсини очишда, асар ғоясини тамошабинга тўла-тўкис етказиб беришда сан'аткорлик маҳоратларини намойиш қилаолганлар. Шунингдек, Ҳуморхон ролини ўйнаган СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Сора Эшонтўраева турмуш ҳақида қисқа ўйловчи Ҳуморхоннинг бора-бора тўғри ҳаёт йўлига чиқиб олишини ишонарли қилиб кўрсатишга ҳаракат қилган. Аммо шуни айтиш керакки, Ҳуморхоннинг тўғри йўлга чиқиб олишининг сабаблари етарли даражада асосланмаган. Пьеса автори бу образ устида яна ишлаши керак. Марасулнинг ҳоласи, мактабнинг оддий хизматчиси Зуҳра ҳолининг совет кишисига хос онги, продасини Ўзбекистон ССР халқ артисти Мария Кузнецова усталик блан талқин этади, унинг Марасулга ва ўз синглиси Фотимага айтган аччиқ—ҳаққоний сўзлари тамошабинга завқ беради. Умуман автор бу образда Марасуллар сирини фош этишга қатнашган жамоат вакилини зўр бадиий маҳорат блан бераолган.

Марасул Ҳузуржонов ва Аҳад Заргаров типлари-эски жамиятдан қолган зararли сарқитларни, иллатларни ташучи кишилар типидир. Улар худди сер тишлар қаторидаги оғриқ-қурт еган тишларни эслатади.

Ана шу «оғриқ тишлар»ни даволашга, тузатишга, тозалмасларини эса таги блан суғуриб ташлашга совет жамоатчилигининг кучи етади. Коммунизм қурётган совет халқининг эскилик қолдиқларига қарши курашида совет адабиёти ва сан'атининг роли ҳам ниҳоятда катта. «Оғриқ тишлар» реалистик комедиясининг тамошабинларимизга манзур бўлишининг сабаби ҳам ана шунда.

А. ОЛИМЖОН.

Суратда: «Оғриқ тишлар» комедиясидан бир кўриниш (чапдан) Ҳуморхон ролида СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Сора Эшонтўраева, Марасул ролида Ўзбекистон ССР халқ артисти Наби Раҳимов, Заргаров ролида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Амин Турдиев.

Пахтачиликда янги, прогрессив методларни кенг қўлланиб, мамлакатга тобора кўп пахта етказиб берайлик!

* * * * * * * * *

Мавжуд резервлардан тўла фойдаланамиз

(Верхнэ-волинск районидаги 2-нчи МТС бош агрономи ўртоқ А. БАРАЕВ блан суҳбат)

Пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан чақирилган кенгаш барча пахтакорларга бундан кейин пахтачиликни янада ривожлантириш резервларини аниқ кўрсатиб берди. Кенгаш қатнашчиларининг Мурожаатида пахтачиликни ривожлантириш резервлари фақат пахта майдонларини кенгайтиришдангина иборат бўлмай, шу блан бирга мавжуд пахта майдонларида ҳосилни тобора ошириш пахта етиштиришнинг асосий резерви эканлиги қайд этилди. Бу фикрнинг қанчалик тўғри ва реал эканлигини 1954 йилда бошқа ерларда ва ўзимизнинг МТС зонасидаги колхозларда ўтказилган ба'зи тажрибалар яққол кўрсатди.

Савол: 1954 йилда 2-нчи МТС зонасидаги колхозларда торайтирилган қаторларга чигит экиш қандай натижа берди?

А. Бараев: 1954 йилда бизнинг МТС зонасидаги колхозларда 400 гектар ерга шахмат усулида 60Х45 схемаси бўйича торайтирилган қаторларга чигит экилди. Бу усул блан чигит экилган ерларда пахта ҳосили бошқа ерлардагига нисбатан анча ошди. Торайтирилган қаторларга чигит экишнинг афзаллиги аниқ ма'лум бўлди. Масалан, Калинин номли колхоздаги икки бригаданинг ишини солиштириб кўрсак бўлади. Жумладан, Х. Ма'муров бошлиқ бригаданинг 80 гектар ери энг ҳосилдор ерлардан ҳисобланарди. Юсупов бошлиқ бригаданинг участкаси эса нуқул янги ўзлаштирилган, партов ерлардан иборат эди. Ўртоқ Юсупов шу янги ўзлаштирилган ерларга шахмат усулида чигит экди, Ма'муров эса 70 сантиметр кенгликда чигит экди. Юсупов бошлиқ бригадада 5 гектар ерда бир киши ишлаган бўлса, Ма'муров бошлиқ бригадада 3,3 гектар ерда бир киши ишлади. Лекин Ма'муров бригадасида ҳар гектар ердан 16 центнердан ҳосил олинди, Юсупов бошлиқ бригаданинг шахмат усулида чигит экилган ҳар гектар еридан эса 22 центнердан ҳосил топширилди.

Шундай қилиб Ма'муров кўп меҳнат сарф қилиб оз ҳосил олди, Юсупов эса шахмат усулида чигит экиб, оз меҳнат сарфлади, Ма'муровга нисбатан 6 центнердан ошиқ ҳосил олди. Торайтирилган қаторларга чигит экишнинг афзаллиги бошқа колхозлар иш тажрибасида ҳам кўрилди. Энгельс номли колхоз бўйича бу йил ҳар гектар ердан 16 центнердан ҳосил олинди. Лекин шу колхознинг бригада бошлиғи Имон Усаров 70 гектар ерга шахмат усулида чигит экиб, 26 центнердан ҳосил олишга муяссар бўлди. Умуман МТС зонасидаги Калинин номли, Энгельс номли ва Свердлов номли колхозларнинг айрим бригада ерларига торайтирилган қаторларга чигит экилиб, юқори ҳосил етиштирилди. Бу факт бизга амалда торайтирилган қаторларга чигит экишнинг а'лолигини, мавжуд пахта майдонларида пахта ҳосилини анчагина кўтариш мумкинлигини кўрсатиб берди.

Савол: Торайтирилган қатор ораларига чигит экиш ҳамма колхозларда ҳам шундай муваффақиятли ўтдими?

А. Бараев: Йўқ. 1954 йилда торайтирилган қаторларга чигит экишга пухта тайёрлик кўрилмаганидан, бу усулни қўлланишда агротехника қоидаларига тўла амал қилинмаганидан катта хатоларга йўл қўйилди. Биз аслида МТС бўйича 1954 йилда 1000 гектар ерга шахмат усулида 60×45 схемаси бўйича чигит экишни планлаштирган эдик. Бироқ бу план тўла бажаримади. Чунки шахмат усулида 60×45 схемаси блан чигит экишнинг энг муҳим омилларидан бири баҳорда чигитни ўз вақтида бир текис ундириб олишдан иборат. Я'ни, бир погон метр ерда 45—50 та ғўза кўчати бўлишини та'минлаш зарур. Акс ҳолда машина блан кўндалангига ягана қилинган вақтда уяларда ма'лум миқдорда кўчат қолмайди. Кўндалангига машина блан ягана қилинганда бир гектар ерда қолдириш лозим бўлган кўчатлар сони камайиб кетади. Кўчатларни ўз вақтида бир текис ундириб олишнинг энг муҳим шарти қузги шудгорни ўз вақтида ўтказишдир. Қузги шудгор қилинган ерларга баҳорда бороналаб чигит экилса, ердан нам қочмай чигит униб чиқади. Чигит суви бериш талаб қилинмайди. Ердаги нам чигитнинг бир текис униб чиқишини та'минлайди.

Айрим колхозларнинг раҳбарлари шу кунларда айниқса ер музлаган вақтида шудгор қилиш фойдали эмас, ерда каттакатта дўнгликлар ҳосил бўлади, кейин улар кесак бўлиб қотиб қолади, деган нотўғри фикрни илгари сурмоқдалар. Бундай фикрга сира қўшилиб бўлмайди. Қузда ҳайдалган ерлардаги катта кесаклар қиши блан ёғингарчиликда ивийди. Баҳорда кун қизиши блан бу чириган тупроқлар ўз-ўзидан уқаланиб, донадор бўлиб қолади.

Ўтган йил қишда ва бу йил баҳорда шахмат усулида чигит экиладиган колхозларда тушунтириш ишлари олиб борилмади. Бу усулнинг агротехника қоидалари блан колхозчилар яхши таништирилмади. МТСнинг колхозлардаги агрономлари шахмат усулида чигит экишни назарий жиҳатдан билсалар ҳам, амалий малака ҳосил қилмаганларидан, уларнинг ўзлари ёрдамга муҳтож эдилар. Бундан ташқари юқори ташкилотлар томонидан қандай схемада чигит экиш тўғрисида аниқ кўрсатма бўлмаганлиги бу ишни бажаришда салбий та'сир кўрсатди.

1954 йилда Калинин номли колхозда 250 гектар ерга шахмат усулида чигит экиш планлаштирилди ва чигит экилди. Чигит текис униб чиққач машина блан кўндалангига ягона қилинди. Бу вақтда ишлар гўё яхши кетаётганга ўхшар эди. Бироқ уялардаги ғўзалар букетлаштирилгабошланган вақтда шахмат усулида чигит экишнинг муҳим қоидаси бузилди. Букетлаштиришда ишлаган колхозчилар орқаси блан юриб ишлаш ўрнига олдинга қараб юриб ишладилар. Шунинг натижасида ғўза уялари тўғри бўлмай қингир-қийшиқ бўлиб қолди. Шахмат усулида экилган бу ерларни машина блан узунасига ишлаш мумкин бўлса ҳам кўндалангига ишлаш мумкин бўлмай қолди. Кўндалангига машина юрса ғўзалар юлиниб кетадиган бўлди. Шу туфайли Калинин номли колхозда 250 гектар ўрнига 100 гектар ерда шахмат усулида иш олиб борилди. Бундай хатолар бошқа колхозларда ҳам юз берди.

Савол: 1955 йилга қандай тайёргарлик кўрилаётир?

А. Бараев: 1954 йилда бизнинг МТС зонасида 4335 гектар ерга чигит экилди. 1955 йилда эса пахта майдони 4700 гектар бўлади. Шундан 4550 гектар ерга чигит қатор оралари 60 сантиметрли қилиб экилади. Бундан 3000 гектари шахмат усулида трактор блан бўйига ва кўндалангига ишланадиган бўлади. Торайтирилган қаторларга кўчиш муносабати блан ҳар гектар ерга 16 сотик ер қўшилади. Бу—ғўзаларнинг зич жойланиши ҳисобига МТС зонаси бўйича 750 гектар ер қўшилади, демакдир. 150 гектар ерга эса тажриба учун 45×45 схемаси бўйича чигит экиш планлаштирилди. Бу план МТС коллективидан ҳам назарий жиҳатдан, ҳам амалий жиҳатдан пухта тайёрлик кўришни, МТСда мавжуд бўлган барча техника воситаларини торайтирилган қаторларда ишлашга мослаштиришни талаб қилади.

Ҳозир МТСда 45 сеялка, 38 «универсал» бор. Шундан 10 сеялка, 10 «универсал» торайтирилган қаторларга мослаштирилган. МТС зонаси бўйича тўла шахмат усулига кўчиш учун юздан ортиқ «универсал» керак. Бунинг учун бизда 55 та «У—4» трактори бор. Бу тракторлар пахта теришга ҳам, қатор ораларини ишлашга ҳам мослаштирилиши лозим. Пахта териш машиналарининг тракторларини торайтирилган қаторларда ишлашга мослаштириш зарур. Лекин қандай қилиб мослаштириш керак?

Тажриба шуни кўрсатдики, агар пахта териш машиналари ғилдиракларининг ораси яна торайтириласа машина жуда омонат, бир томони сал дўнгликка чиқиши блан ағдарилиб кетадиган бўлиб қолади. Шунинг натижасида бу йил бирқанча машиналар шикастланди. Бу ҳол пахта териш машиналарида ишлайдиган тракторларнинг ғилдирак ораларини торайтиришни эмас, аксинча, икки ғилдирак орасида 3 қатор қоладиган қилиб кенгайтиришни талаб қилади. Биз пахта териш машиналарининг тракторлари ғилдираклари орасини мана шундай кенгайтиришни планлаштирдик. Бу ишда биз тожикистонли ўртоқларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланмоқдамиз.

Бундан ташқари МТСда бригада механиклари, тракторчилар учун 15 кунлик семинар ўтказишга тайёрлик кўрилмоқда. Бу семинарда торайтирилган қаторларда қандай ишлаш кераклиги амалий равишда кўрсатилади. Январь ойида эса МТС зонасидаги барча колхозларнинг ҳосилот совет раислари, бригада, звено бошлиқлари учун торайтирилган қаторларда ишлаш агротехникаси ҳақида амалий семинар ўтказиш ҳам планлаштирилди.

Верхне-волинск районидаги 2-нчи МТС коллективи пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан чақирилган кенгаш қатнашчилари Мурожаатига мана шундай амалий тадбирлар блан жавоб беришга киришди.

☆

Пахта далаларининг ҳосилини ошириш воситаси

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигида ва Ўрта Осиё ўсимликлар Бутуниттифоқ илмий-текшириш институтининг тажриба станциясида ғўза кўчатларини чиринди-тупроқ тувакчаларда ўтказиш соҳасида бу йил олиб борилган тажриба ишлари якунланди. Ма'лумки, пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан Тошкентда бўлиб ўтган кенгаш ғўза туплариниг сийраклигини тугатиш учун бу агротехника усулидан фойдаланишни тавсия қилди.

Ўзбекистондаги бирқанча колхозларнинг тажрибаси ғўза кўчатларини тувакчаларда ўтқазиш яхши натижа берганлигини кўрсатди. Бу йил Фарғона область Охунбобоев районидаги Жданов номли ва Тошкент область Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли колхозларда теплицаларда ўстирилган ғўза кўчатлари ўтқазилди. Ҳамма кўчатлар яхши ривожланди, ҳар туп ғўзада катта-катта тўқ кўсаклар ҳосил бўлди. Натижада ғўза кўчатлари ўтқазиш йўли блан ҳарбир гектар ерда белгиланган миқдорда ғўза тупи бўлиши та'минланган участкаларда гектаридан 60 центнердан пахта ҳосили олинди.

Тажриба шуни кўрсатдики, ғўза кўчатларини чиринди тувакчаларда ўтқазиш шўрҳоқ ерларда ва сув блан етарли та'минланмаган майдонларда айниқса катта фойда беради. Бундай ерларда кўпинча ғўза туплари сийрак бўлиб қолар эди.

Келгуси йилда республиканинг колхозларида 200 минг гектар майдонда тувакчаларда етиштирилган ғўза кўчатларини ўтқазиш усули қўлланилади. (ЎзТАГ).

Келгуси йилда ҳосил янада мўл бўлади

Максим Горький номли колхоз пахта тайёрлаш планини бажаришти, деган хушхабар Верхне-волинск районига тез тарқалди. Қўшни колхозларнинг а'золари М. Горький номли колхоз пахтакорлари эришган муваффақиятдан хурсанд бўлдиалр.

Бу йилги шароитда М. Горький номли колхоз пахтакорлари табиий қийинчиликларни енгдилар, фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун бирдамлик блан курашдилар. Пахтакорларнинг бу ғайрати яхши натижа берди. Табиий тузилиши жиҳатидан оғир шароитли бўлган ерлардан мўл ҳосил етиштирилди. Контрактация плани ошириб бажарилди.

Колхоз а'золари шу кунларда социалистик мусобақани кучайтириб, даладаги ҳосилни тез ва сра нобуд қилмай йиғиб-териб олиш блан бирга, 1955 йил мўл ҳосили учун ҳам қизғин тайёрланмоқдалар.

— Бу йил гектаридан 28 центнердан пахта топширган бўлсак, — дейдилар колхоз а'золари, — келгуси йилда 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашамиз. Бу мажбуриятни бажариш мақсадида барча қузги-қишки ишларни ўз вақтида бажарамиз.

Қ. ХАЙДАРОВ.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида янги барабанли сушилка қуриб ишга туширилди. Бу сушилкада бир суткада 12 — 15 тонна пахта қуритилади. Суратда: янги сушилка.

Р. Исаев фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Пахта ҳосилини оширишга муносиб ҳисса қўшамиз

Бизнинг 12-нчи трактор бригадамиз Бўка районидаги «Коммунизм» колхози далаларида ишлайди. Бу колхозда куч кам бўлганлиги учун пахтачиликда орқада қолиб келмоқда эди. Кейинги йиллардагина колхоз пахта етиштиришда бирмунча муваффақиятларга эришди. Бу ишга биз механизаторлар ҳам ўз ҳиссамизни қўшдик.

1954 йилнинг бошланишида чигит экиш, ғўзани парвариш қилиш ва ҳосилни териб олишда қишлоқ хўжалик машиналаридан тўла, унумли фойдаланиш мажбурияти олинган эди. МТС блан колхоз ўртасида тузилган шартномадаги ишларни бажариш учун тракторчилар ғайрат блан меҳнат қилдилар. Бу йил янги, прогрессив усулларни қўллаш, машина блан ғўзани ягана қилиш ва торайтирилган усулда чигит экиб, ғўзани кўндалангига ишлаш соҳасида яхши тажрибалар ортдирдик.

Биринчи марта ўтказилган бу тажриба самарали бўлди. Колхознинг ўртоқ Қўчқоров бошлиқ бригадасида ҳамма майдонда чигит 60х60 сантиметр схемаси асосида экилди. Шунинг натижасида бригадаларда ҳосил тез етилди, эрта пишди, қўл меҳнати кам сарф бўлди. Колхозчилар ягана қилишда, кетмон чопиги ўтказишда кам меҳнат сарф қилиб, бошқа ишларни бажардилар. Бу бригада колхозда илғорлар қаторида пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди.

Пахтачиликни ривожлантириш юзасидан Тошкентда бўлиб ўтган кенгаш пахтачилик ишларида механизациядан кенг фойдаланиш, пахтачиликда агротехниканинг прогрессив усулларини қўллаш юзасидан жуда муҳим тадбирлар белгилаб берди. Биз бу кенгаш Мурожаатини тўла ма'қуллаймиз. Эндиги вазифа — бригадамиз хизмат қилаётган «Коммунизм» колхози далаларида бу прогрессив усулларни кенг қўлланишдан иборатдир.

Мен бу йил ёз фаслида «универсал» блан ғўзани узунасига ва кўндалангига ишлаганда бирмунча тажриба ортдирдим. Йиғим-терим мавсумида эса СХМ—48 пахта териш машинасида ишладим. Далаларнинг машина ишлашига мос қилиб яхши тайёрланганидан, ҳарбир теримда машинанинг узлуксиз ишлашига эришдим. Бизнинг бригадамиздаги бошқа механик-ҳайдовчилар ҳам пахта териш машиналарида муваффақиятли ишладилар.

Шу кунларда «Коммунизм» колхози даласида иш қизғин бораётир. Далаларни келгуси йилга пухта тайёрлаш учун қузги шудгорлашга киришганмиз. Ғўзапоя юлиш, ерга ўғит солиш ва ғўзапояларни йиғиб олиш ишлари машина ёрдами блан бажарилмоқда. Трактор бригадамиз қузги-қишки тадбирларни бажаришда ҳам социалистик мусобақада илғорлик учун курашмоқдалар.

Бу йил «Коммунизм» колхози а'золари 600 гектар майдонда чигитни торайтирилган қаторларга, квадрат шаклида экишга тайёрланмоқдалар. Биз механизаторлар тракторларни бу янги ишга ўз вақтида тўла тахт қилиш мажбуриятини оламиз.

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигини қудратли техника блан та'минламоқдалар. Биз, қишлоқ хўжалик мутахассислари, механизаторлар бу техникадан унумли фойдаланиб, пахтачиликда янги, прогрессив усулларни кенг қўлланиб, пахта ҳосилини янада ошириш учун ғайрат кўрсатиб меҳнат қиламиз.

Ғ. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Бўка районидаги 2-нчи МТСнинг тракторчиси.

Пахта қуритадиган янги агрегат

Тошкент областидаги Тўйтепа пахта тайёрлаш пунктида Бутуниттифоқ пахта саноати марказий илмий-текшириш институти тайёрлаган янги сушилка агрегати синаб кўрилди. Бу сушилкани техника фанлари кандидати Сталин мукофоти лауреати А. Нуралиев ишлаб берган. Янги сушилка агрегати фақат пахта тозалаш заводларидагина эмас, балки тайёрлаш пунктларида ҳам ўрнатилади, бу эса колхозларни пахта қуритиш каби кўп меҳнат талаб қиладиган ишдан озод этади.

Янги конструкциядаги сушилка узлуксиз равишда ишлайди. Унда ҳамма иш процесслари механизациялаштирилган. Синов вақтида ма'лум бўлишича, агрегат бир суткада юз тоннагача пахтани қуритиб беради.

«Ташхлопкомаш» заводига янги сушилкаларнинг биринчи партиясини тайёрлаб бериш топширилди. (ЎзТАГ).

Адрдаги чироқлар

ОЧЕРК

Кеч кириб, қош қорайганда қишлоқ чеккасидаги адрда чироқ ёнди. У ердан тракторнинг гуруллаган овози эшитилди. Катта йўлда икки мўйсафид бир-бирлари блан гурунгласиб, адрдаги чироққа қараб борар эдилар. Мўйсафидлардан бири узоқ-узоқлардан тебраниб, ялтираб кўринаётган фараларга қарар экан:

— Машина пунктдан қайтиб келаяпти, шекилли, — деди.

Шериги ҳам у томонга қаради, сўнг йўлида давом этиб, жавоб қайтарди.

— Тўғри. Новиков қайтаяпти, тезроқ сушилкага етиб борайлик. Машина бўш турмасин яна, пахта қоплаш керак. Мўйсафидларнинг бири Дадабой Шарипов, иккинчиси Холмат Расулматов эди. Улар колхозда звено бошлиғи бўлиб ишлайдилар. Уларнинг қуёш шу'ласида тобланган нуроний юзлари бардам ва қувноқ кўринарди. Меҳнат блан чиниққан бу кекса пахтакорлар кўп йиллардан буён колхознинг энг муҳим участкаларида, юқори ҳосилли майдонларида ишлаб келмоқдалар. Бирнеча кун бўлдики, улар сушилка блан хирмонда иш блан шуғулланишади...

—«Ворох» зап машина-да — деди Дадабойота тозаланган пахталари қоплаётган шиббалар экан, — хирмон-хирмон кўсак бўлса ҳам кўрдим демайди, азамат...

—«Ворох»дан хурсандмиз, лекин ўзимизнинг мазамиз йўқ. Кўсак терилаётганига 20 кунча бўлиб қолди. Аммо ҳанузгача катта кўсак хирмонини кўрганим йўқ.

— Қаре икки қўлдан чиқади, деганларидай, камчилик бир томондан биздан бўлса, иккинчи томондан машиналардан ҳам... — деди Дадабойота, сўнг кўсак чувиш машинасини кўрсатди, — ишнинг айни қизиғида унинг ҳам дами ичига тушиб, индамай қолди. Ана шундай вақтда бошингда булут сезасан, та'бинг хира бўлади.

— Биринчи участкадаги сушилканинг иши ёмонлашиб қолибди. У ерга МТС директори блан бош инженер келиптн, — деди Холматота.

Дадабойота шеригига, «бекорга келмайдилар, яна трактор бузилиб қолгандир» деб қўйди.

Биринчи участкада трактор бузилмаган эди. Лекин тракторларнинг иш унуми пасайиб кетди. Иссиқлик беручи сушилка ғилдираклари секин айланиб, пахтани қуритиш муддати чўзилиб кетди. Пахта қуритучи Қўшбой Деҳқоновнинг юзларида эўр ташвиш сезиларди.

Бригада бошлиқлари ундан:

— Пахта қуритишни мунча чўзиб юбораяпсиз? Бу аҳвол блан ҳали-вери планчи бажаролмайсиз, — дер эдилар.

Деҳқонов бригада бошлиқларига нима жавоб беришни билмасди. Трактор тўхтамай ишлаб турипти, сушилкада ҳам иш ҳеч тўхтагани йўқ. Лекин пахта тобига келмаяпти-да Уни қўлга олсанг намлиги сезилади. Пунктга юбориб бўлмайди. Лаборантнинг қўлига тушсами, нах, сени олиб бориб-олиб келади. Ҳа, аҳвол ана шундай.

Пальто устидан оқ халат кийиб, чап қўлига қизил лента боғлаган 13—14 яшар бола сушилка ва хирмон атрофида айланиб юрарди. У ҳар замонда ерга энгашиб тўкилган пахта ва кўсакларни териб оларди. У колхоз қишлоғидаги еттинчиллик мактабнинг 6-нчи синф ўқучиси Анвар Юсупов. Анвар ўқишдан кейин ҳар куни хирмон ва сушилкага келиб навбатчилик қилади. Тўкилган пахтани териб олиб, хирмонга келтиради. Ана, у бугун ҳам навбатчилик қилмоқда. Хирмон атрофида айланиб юради, кўсак ортиб келаётан автокачкалар изига қарайди, пахта ортиб пунктга жўнаган машиналарни кузатиб қолади. Самовардан хабар олиб, кўнгироқ овози блан:

— Чой қайнади! — деб қичқиради.

Унинг болаларга хос шўх ва уятчанлиги, тиниб-тинчимаслиги ҳаммага ёқиб қолган. Ҳамма уни ҳурмат блан чақиради. Кексалар, «болам» деб, йигит-қизлар эса «кичик пахтакоримиз» деб атайдилар.

Анвар бугун сушилкага келди-ю, этагидаги пахтани қизиб турган сеткалар устига тўкиб, хомиш ўлтириб қолди. У, пахта қуритучи Қўшбойамакисидан кўз узмади. Анвар ортиқча тинчиб ўлтиролмади. Қўшбойамаки ёнига келиб, ундан аста сўради:

— Амаки, нега хафа кўринасиз?

— Шундай, — деди Деҳқонов.

— Йўқ, амаки, хафасиз. Нима бўлди? Ёки касалмисиз, тобингиз қочган бўлса мен қарашиб тураман, — деди.

— Болам, сен шундай ҳам қарашиб турибсан, бунинг учун сенга раҳмат. Тобим жойида, лекин сушилканинг тоби жойида эмас.

— Нима бўлди, бузилиб қолаяптими?

— Йўқ, пахта қуритишнинг маззаси бўлмаяпти. Раисга айтсаммикан?

— Ҳов, ана ўзлари ҳам келаяптилар. Айтсангиз яхши бўларди.

Деҳқонов сушилкани яна айланиб чиқди, пахта остларини титкилаб, сеткага қўл тутиб кўрди: Иссиқ — ҳароратнинг пастлигини сезиб ўрнидан турди ва раисга пешвоз чиқди.

Қўшбойака раисга бугун сушилкада тўрт тонна пахта қуритилганлигини айтди. Қуритилган пахта хирмонга жўнатилиб, у ердан пунктга олиб кетилганлигини билдирди. Раис сушилкани кузатар экан. Қўшбойаканинг ташвишланиб, алланарсани айтишга андиша қилаётганини сезиб турарди. Раис Қўшбойака фикрини билишга интилиб, сўради:

— Сушилканинг унуми паст, чувилган пахтамиз чўкиб қолаяпти. Бунга бефарқ қараб бўлмайди. Сиз нима дейсиз бунга Қўшбойака?

Қўшбойака раисни мотор бўлмасига бошлаб борди ва шнекларни кўрсатиб, бирма-бир ўз мулоҳазаларини тушунтирабошлади:

— Мана бу ғилдиракларга қаранг (у шнекларни кўрсатди), пилдираб айланмоқда, улардан сушилкага оз-моз иссиқлик келиб турипти. Лекин бу блан қаноатланиб бўлмайди. Шуларнинг ҳаракатини яна тезлаштириш илożини топиб бўлмайдими? Манаву тасмасини ҳам сал ихчамроқ қилиб тортиб қўйилса ёмон бўлмайди, менимча.

— Бу тўғри гап, яхши маслаҳат Қўшбойака.

Раис Деҳқоновдан сушилкада ҳарорат етарли эмаслигини билгандан кейин, рўпарадаги хонага ўтди. Шнекларни, тасмаларни кўздан кечирди. Ундан кейин ташқарига чиқиб, трактор ёнига борди. Тракторчи Антешаев тракторнинг нормал ишлаётганлигини айтди. Раис мотор овозига қулоқ солди, алланималарни дафтарига ёзиб, қўшни хонага ўтди ва шнекларнинг айланишини кўздан кечирар экан, тракторчини чақирди.

— Шнекни тезлаштириш мумкинми?

— Тезлаштириш мумкин, лекин бу ишни инженер келмаса ўддалаб бўлмайди.

— Инженерни ҳам, директорни ҳам чақирамиз. Совуқ сушилкада пахта қуритиб бўлмайди. Бу аҳволда бутун қиш бўйи сушилкада ўтиришга тўғри келади.

Раис Деҳқоновга бугун МТС раҳбарларини чақириб, сушилкани яхшилаш учун ҳамма чорани кўришни ва пахта қуритишни давом этдиришни тайинлаб, хирмонга ўтди. Хирмонда колхозчилардан Ҳофиз Ражабов, Котиб Равшанов, Абдурахмон Йўлчибоевлар сушилкадан чиққан пахталарни қоплямоқдалар.

Йўлчибоев шиббаланган қопнинг оғзини канап блан тикар экан, раисга гапирди:

— Сушилка суткада 3—4 тоннадан пахта қуритмоқда. Бу белгиланган нормининг тўртдан бир қисмини ҳам қоплямайди. Кўсак кўп терилмоқда. «Ворох» ишлаб турибди. Лекин пахта сушилкада тўхтаб қолмоқда. Ўзингиз ҳам кўргандирсиз. Қуритиш соатлаб чўзилиб кетмоқда. Шунинг бир илożини қилиб, ёрдам бермасангиз бўлмайди.

— МТС дан кишилар келади. Албатта сушилкани яхшилаймиз, — деди раис.

Эртаси куни МТС директори блан бош инженер келди. Раис уларни сушилкага олиб келди. Пахта қуритучи Деҳқонов аҳвол блан таништириб:

— Пахта тез қуримаяпти. Айб нимада эканлигини ҳечким билмайди. Ворохдан чиққан пахтамиз тўхтаб қолмаяпти. — деди.

Бош инженер Резников тракторни, сўнг ундан ўтган сушилкага иссиқлик берадиган мотор ва сушилкаларни синчиклаб текширабошлади. У директор Коломейцев ва раис Дадабоев блан бирга сушилка сеткаларини ҳам айланиб кўрди. Сўнг шнеклар олдига келиб тўхтади.

— Ҳамма айб шнекларда, — деди бош инженер.

Шнеклари олмоштирилди ва тасмалар айлантирилиб, қулай ҳолатга келтирилди. Деҳқонов қуритишга қўйилган пахталарнинг остига кўл тиқиб, жилмайди.

— Анвар ҳам сушилка сеткасига қўл тегизиб:

— Худди тандирдек иссиқ-а,—деб қичқириб юборди.

Раис иккинчи участкадаги сушилкага жўнаб кетди. Ҳозирги вақтда сушилкалар ишини тезлаштириш талаб этилади. Шунингдек кўсак чувиш ва пахта тозалаш машиналари бир минут ҳам тўхтамаслиги керак.

Иккинчи участка сушилкасида ҳам ҳаёт гавжум. Тракторчи Шокир Тозабоев пахта тозалаш агрегатида, Ҳамид Тошгенов «ворох»да ишламоқда. Сушилкада ҳам бир «универсал» ишлаб турибди. Хирмонда кекса пахтакорлар, звено бошлиқлари Холмат Расулматов блан Дадабой Шариповлар ишламоқдалар. Бу икки мўйсафид раисга пахта қуритишни тезлатиш зарурлитини, бўлмаса пахта чўкиб қолишини, нобудгарчиликка йўл қўйилишини айтадилар.

Раис биринчи участкада аҳволнинг анча яхшиланганлигини, бу ерда ҳам ўзгариш бўлажагини айтди. Чиндан ҳам участкаларда пахта тозалаш сур'ати пасайиб бормоқда. Ҳар участка хирмонидаги машиналар бир кунда 20 тоннага яқин кўсакни тозалаб беришлари керак. Кундалик сводкада эса 5—6 тоннадан тозаланганлиги кўрсатилмоқда. Қани МТС мастерлари, инженерлари бу рақамни кўз олдиларига келтириб, бир паст ўйлаб кўрсалару, жавобгарликни сезсалар.

Дадабойота эрта блан звено ерларини айланиб чиқди. Ҳали терилмаган кўсак анча бор. Звено а'золаридан Остоқхул Собиров, Эргашбуви Тилланазарова, Сабоҳат Шарипова, Хайри Хидирова ва бошқалар кўсак термоқда эдилар. Дадабойота бригадаларнинг топшириғи блан кейинги кунларда хирмонда пахта қуритишда ва пунктга жўнатиш блан банд бўлиб қолди. Шунга қарамай, ҳар куни эрта блан ва кечқурун ўз звеносига келиб, кўсак териш ишлари блан таниши турди.

Колхоз ерлари паст-баланд адрлар бағрига жойлашган. Тут дарахтлари блан ўраб олинган участкаларда ғўзапоялар қорайиб кўринади. Теримчилар эгатлар оралаб кўсак термоқдалар.

Узоқ адрларда кўсаклари териб олинган ерларда тракторлар гуруллайди. 3, 5, 1-нчи бригада ерларида теримчилар кўп. Бу бригадалар теримда кейинда қолдилар. Лекин уларнинг участкаларида мўл пахта ҳосили етиштирилган. У ерларга қадам боссангиз ҳавасингиз келади. Ғуж-ғуж кўсаклар ҳар шохда шода-шода бўлиб турипти. Шу вақттача териб олинмаганлигини кўриб ачинасиз. Қолган ишга қор ёғади, дейдилар. Мана биринчи қор ёғди. Ҳарқандай шароитда ҳам йил бўйи ишлаб, пешана тери тўкиб парвариш қилинган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш керак.

Қишлоқ йўлларида автомашина ва автокачкалар қатнаб турибди. Уларга колхоз пахтаси ортилган. Пахта пунктга боради, ундан заводга, сўнг фабрикаларга жўнатилиб, рангба-ранг кийим-кечаклар тайёрланади. Дадабойота а'золарга қаради. Уларнинг устларидаги иссиқ кийим-кечакларга бир паст тикилиб, ўтмишда «ғўза чувиб, бўз кийишдан чиқмас эдим» деб қўйди ўз кўнглида. Эндиликда октябрь кўёши нур сочмоқда. Колхоз тузуми туфайли қанчаканча ерлар обод бўлиб, янги қишлоқлар пайдо бўлди. Халқ ўз бахти, фаровонлигига эришди. Пахта етиштиришда давлатимиз кучли машиналар блан катта ёрдам бермоқда.

Дадабойота атрофга кўз югуртириб, бир пас қулоқ солди. Моторлар овози гуруллаб эшитилди. Бу кучли овоз ота қалбига қайноқ ижодий ҳаётдан дарак берарди.

Пахтакорлар механизаторлар ёрдами блан ҳали ерда қолган ҳосилни йиғиб-териб олиб, келгуси йил мўл ҳосили учун замин тайёрламоқдалар. Айрим участкаларда ғўзапоялар юлиниб, шудгор қилинмоқда.

Кекса пахтакор, илғор звено бошлиғи Дадабойота Шарипов кўсак ортилган бричкага ўтирди. У кўнглида колхоз ҳаётининг улуғворлигини, зўр тантанасини ҳис этиб, ўзини беҳад хурсанд сезарди. Аравакаш отанинг яхши ўтириб олганлигини кўргандан кейин, адирда ёниб турган чироққа — сушилкага қараб йўл олди.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
Октябрь район, Хрущев номли колхоз.

Бельгия Коммунистик партиясининг XI с'езди очилди

БРЮССЕЛЬ, 9 декабрь. (ТАСС). Бугун Брюссель шаҳри чеккасидаги Вильвордда Бельгия Коммунистик партиясининг XI миллий с'езди очилди.

Сиёсий аҳвол ҳақида ва партиянинг иши тўғрисида Коммунистик партиянинг бош секретари Эдгар Лальман доклад қилди, у халқаро аҳволни ва ички аҳволни ёритиб берди ҳамда яқин даврда партия олдида турган конкрет вазифаларни кўрсатди.

Доклад тамом бўлгандан кейин музокаралар бошланди.

Тинчлик ва озодлик учун курашучи немислар союзининг мурожаати

БЕРЛИН, 9 декабрь. (ТАСС). АДН агентлиги қуйидагиларни билдирди: Кеча Дюссельдорфда бирлик, тинчлик ва озодлик учун курашучи немислар союзи президиумининг мажлиси бўлди. Мажлисда Ғарбий Германия аҳолисига қарата мурожаат қабул қилинди. Бу мурожаат Париж битимларининг Бонн бундестаги томонидан ратификация қилинишига йўл қўймаслик учун бутун кучларни сафарбар қилишга чақиради.

Эндиликда, дейилади мурожаатда, умумгерман эркин сайловига тайёргарлик кўриш ва бу сайловни ўтказиш масаласи юзасидан немислар ўртасида бир битимга келишни талаб қилиш ҳарқачонгидан кўра кўпроқ зарур. Аммо, Париж битимларининг ратификация қилинишига музокаралар олиб борилишига ҳалақит беради. Шу сабабдан, деб уқтириб ўтилади мурожаатда, Париж битимлари ратификация қилинишидан аввал музокаралар олиб бориш зарур.

Лондонда совет артистларининг муваффақияти

ЛОНДОН, 9 декабрь. (ТАСС). 7 декабрьда Лондоннинг одамлар блан лиқ тўла «Принсес» театрида совет балети артистларининг концерти гоят муваффақиятли ўтди. Совет балети артистлари Англия-Совет дўстлиги жамиятининг таклифига мувофиқ Англияга келган эдилар. Англия матбуоти совет артистларининг сан'атига юксак баҳо бермоқда. «Дейли телеграф энд морнинг пост» газетаси Александр Лапаурин ва Мансур Камолитдиновларнинг ўйинларига тўхталиб, уларнинг ижроси кучли ва чиройли ўтди деб ёзади. Газета артист Раиса Стручкованн «лирик жанрни зўр маҳорат блан ижро этучи раққоса» деб характерлайди.

Англиядаги бошқа бирқанча газеталар ҳам Стручкованинг ва Лапаурининг ўйин техникасига юксак баҳо берадилар. «Стар» газетаси Гулнора Маваевانинг ўйинларига тўхталиб, унинг ўйинлари гоят завқлантирди, деб ёзади. Газета, совет артистларининг маҳорати гулдурос олқиш ва қарсакларга сазовор бўлди, деб уқтириб ўтади.

СТАНИСЛАВСКИЙ ВА НЕМИРОВИЧ-ДАНЧЕНКО НОМИДАГИ МУЗИКАЛИ ТЕАТРНИНГ ХИТОЙДАГИ ГАСТРОЛЬЛАРИ

ПЕКИН, 10 декабрь. (ТАСС). Станиславский ва Немирович-Данченко номидаги музикали театр Пекинда бир ойдан кўпроқ вақтдан буён тамошалар кўрсатмоқда. Театр томонидан кўрсатилаётган рус ва совет композиторларининг опера ва балетлари тамошабинлар томонидан катта қизиқиш блан кўрилмоқда.

Кеча Станиславский ва Немирович-Данченко номли театр Чайковскийнинг «Оққуш кўли» балетини кўрсатди.

Спектакльда ҳозирги вақтда Хитойда меҳмон бўлиб турган Бирма Иттифоқининг бош министри У Ну, шунингдек ХХР Давлат ма'мурий кенгашининг бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай ҳозир бўлдилар.

ХИТОЙДА КООПЕРАЦИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

ШАНХАЙ, 9 декабрь. (ТАСС). Хитой деҳқонлари ўртасида меҳнатнинг коллектив формаларини ривожлантириш йўлидаги ҳаракат кучайиб бормоқда. Газеталарнинг билдиришича, кейинги вақтларда бу ҳаракат Ғарби-Жанубий Хитой деҳқонлари ўртасида айниқса ривожланган.

Ғарбий-Жанубий Хитой мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда муҳим роль ўйнайди. Масалан, Ғарби-Жанубий Хитойдаги вилоятларнинг бири — Сичуань вилояти шоли етиштиришда мамлакатда биринчи ўринда турипт.и. Шу йилнинг дастлабки 6 ойи ичида Ғарбий-Жанубий Хитойнинг ҳамма вилоятларида — Сичуань, Юнь-нань, Гуйчжоу ва Секан вилоятларида 12 миллиондан ортиқ деҳқон хоналони ўзаро бир-бирларига меҳнат блан ёрдам бериш группаларига ва қишлоқ хўжалик ишлаб-чиқариш кооперативларига бирлашди. Ҳозирги вақтда Ғарби-Жанубий Хитойда барча деҳқон хўжаликларининг 60 процентга яқини, ба'зи районларда эса деҳқон хоналонларининг 80 — 90 проценти меҳнатнинг коллектив формаларига бирлашган.

СОВЕТ-ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ТЕҲРОН, 9 декабрь. (ТАСС). «Иттилоат» газетасининг билдиришича, мажлиснинг 7 декабрьда бўлган очиқ ўтиришида Эрон ташқи ишлар министри Интизом чегара ва молия масалаларини ҳал этиш тўғрисида Эрон блан СССР ўртасида 1954 йил 2 декабрьда Теҳронда имзоланган битимни мажлиснинг тасдиқига тақдим этган.

Жаҳон Касаба союзлари федерацияси Бош Кенгашининг сессияси очилди

ВАРШАВА, 9 декабрь. (ТАСС). Жаҳон Касаба союзлари федерацияси Бош кенгашининг бугун Варшавада еттинчи сессияси очилди. Сессияда Европа, Осиё, Америка ва Африканинг 40 тадан кўпроқ мамлакатидан келган делегатлар қатнашмоқда.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси (ЖКСФ) раиси Жузеппе Ди Витторио сессияни очиб айтдики, бу сессия жаҳонда жуда жиддий вазият вужудга келган бир пайтда, капиталистик ва мустамлака мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари халқлар олдига фақат битта перспективани, у ҳам бўлса, ўсиб бораётган қашшоқлик ва ишсизлик, ҳарбий хавф ва маҳрумликлар перспективасини очиб турган бир пайтда чақирилди.

Ди Витторио, монополияларнинг энг кўп фойда олиш учун зўр бериб ҳаракат қилаётганликлари, шунингдек капиталистик мамлакатларда зўр бериб қуролланишнинг оғирлиги меҳнаткашлар устига тушмоқда, ишчилар синфининг турмуш ва меҳнат шароити ёмонлашиб кетаётганлигига, шунингдек унинг касаба союз ҳуқуқларига ҳужум қилинаётганлигига сабаб бўлмоқда, деди.

Бутун дун'ё меҳнаткашлари, —деди Ди Витторио, Ғарбий Германияни қуроллантиришни, вермахтни ва герман милитаризмини тирилтиришни кўзда тутучи Лондон ва Париж битимлари Европа учун ҳамда бутун дун'ё учун жиддий хавф туғдиради, деб ҳисобламоқдалар. Улар мана шу хавфга қарши, мана шу битимлар натижасида муқаррар рўй берадиган зўр бериб тинмай қуролланишга қарши якдиллик блан норозилик билдирмоқдалар. ЖКСФ Бош кенташи манфаатдор мамлакатларнинг парламентларига мурожаат қилиб, уларни тинчликка хавф туғдиручи шу битимларни ратификация қилишдан бош тортишга чақиради. Бош кенгаш Европа ва бутун дун'ё меҳнаткашларини ўз сафларини янада зичроқ қилиб жипслаштиришга, Лондон ва Париж битимларига қарши биргаликда қат'ий кураш олиб бормоқ, ер юзидаги ҳамма халқлар ўртасида ҳамкорликнинг ва тинчлик ишининг ғалаба қозонишини та'минламоқ учун жуда кенг миқ'ёсда ҳаракат бирлигини амалга оширишга чақиради.

Москвадан,—деб давом қилди Ди Витторио, ўзаро ҳамжиҳатлик ва иноқлик овози эшитилди, умумий битимга келишга, Европада коллектив хавфсизликни вужудга келтиришга қаратилган конкрет таклифлар ўртага қўйилди, тинчлик ва демократия негизида Германияни бирлаштиришга чақиручи овоз эшитилди. Биз айтамизки, бу таклифлар ва шу таклифлар туфайли барча халқлар олдида очилиши мумкин бўлган тинчлик ва саодат перспективалари бутун дун'ё меҳнаткашларининг ҳаётий манфаатларига тўла равишда мос бўлиб тушади.

Бош кенгаш сессияси, деди Ди Витторио, барча мамлакатларнинг меҳнаткашларини ноғ ва тинчлик учун, мамлакатлар ва халқлар ўртасида умумий иноқлик бўлиши учун, қуролсизланиш ва омманинг турмуш шароитини яхшилаш учун, ҳамма мамлакатларнинг коллектив хавфсизлиги ва мустақиллиги учун, меҳнаткашларнинг демократик эркинликларни ҳимоя қилишдаги касаба союз ҳуқуқлари хартиясини ҳамма жойда татбиқ қилиш учун, ҳамма халқларнинг иқтисодий ва социал прогресс йўлидан иноқ ва аҳил бўлиб олга бораётган бўлишлари учун курашда қардошларча бирдам бўлишга чақиради.

Польша Халқ Республикаси Министрлар совети раисининг ўринбосари С. Ендриховский сессия қатнашчиларини Польша ҳукумати ва жамоатчилиги номидан табриклади. Варшава шаҳар халқ советининг раиси Е. Альбрехт сессия қатнашчиларига Варшава аҳолисининг саломини етказди.

Сессия қуйидаги кун тартибини бир овоздан тасдиқлади:

1. Халқаро аҳвол ва меҳнаткашларнинг талабларини амалга ошириш учун курашда улар ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлаш соҳасида учинчи Жаҳон касаба союзлари конгресси қарорларининг бажарилиши (докладчи—ЖКСФнинг бош секретари Луи Сайян).

2. Меҳнаткашларнинг касаба союз ҳуқуқлари хартияси ва касаба союз ҳамда демократик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва қўлга киритиш соҳасида халқаро кампания (докладчи—ЖКСФ раиси Жузеппе Ди Витторио).

3. ЖКСФ ревизорларининг молия ҳисоби.

Кун тартиби тасдиқлангандан кейин ЖКСФ бош секретари Луи Сайян кун тартибининг биринчи моддаси бўйича доклад қилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси

БМТ КОМИССИЯСИНИНГ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ БЛАН ШУҒУЛЛАНУЧИ КИЧИК КОМИТЕТИДА

НЬЮ-ЙОРК, 9 декабрь. (ТАСС махсус мухбири). Кеча БМТ комиссиясининг қуролсизланиш масалалари блан шуғулланучи кичик комитетининг ёпиқ мажлиси бўлди. Бу мажлисда БМТ Бош Ассамблеясининг қуролли кучларни ва барча қурол-яроғларни тартибга солиш, чеклаш ва миқдорига қараб қисқартиш тўғрисидаги ҳамда қурол-яроғларни камайтириш ва ялпи қирғин қуролини тақиқлаш масаласи юзасидан ҳақаро конвенция тузиш тўғрисидаги резолюциясида мазкур кичик комитетнинг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун комитетнинг ишларини яна бошлаш вақти ҳамда жойини белгилаб берищи керак эди.

СССР вакили А. А. Соболев мажлисда сўзга чиқиб қуйидаги баёнотни берди: «БМТ комиссиясининг қуролсизланиш масалалари блан шуғулланучи кичик комитети ишга киришуви муносабати блан совет делегацияси қуйидагиларга э'тиборни жалб этиш зарур деб ҳисоблайди. 1954 йил 4 ноябрьда Бош Ассамблея томонидан якдиллик блан қабул қилинган резолюцияга мувофиқ, кичик комитет олдида қуролсизланиш тўғрисидаги халқаро конвенция проектига киритилиши лозим бўлган таклифлар юзасидан бир қарорга келиш вазифаси туради. Бу проект барча қуролли кучларни, оддий типдаги қурол-яроғларни анча камайтиришни, шунингдек ядро қуролини ва бошқа ҳарқандай ялпи қирғин қуролини ишлатиш ва тайёрлашни тамомила тақиқлашни кўзда тутади. Резолюцияда алоҳида шуни та'кидлаб ўтиш зарурки, Ғарбий Германияни қуроллантириб ва герман милитаризмини қайтадан тиклаб, Ғарбий Германиядаги қасосчи кучларга кенг йўл очиб берган ҳолда, қуролсизланиш тўғрисида конвенция тузиш масаласини муҳокама қилиб бўлмайди. 23 октябрьда Парижда имзоланган битимлар Ғарбий Германияни қайтадан ҳарбийлаштиришни, герман милитаризмини қайтадан тиклашни ва ремилитаризация қилинган Ғарбий Германияни ҳарбий гуруҳларга — Шимолий атлантик блокига ва янгидан тузилаётган Ғарбий Европа иттифоқи деб аталган иттифоққа жалб этишни кўзда тутади. Совет ҳукумати илгари кўрсатиб ўтганидек, ана шу планларнинг амалга оширилиши Европадаги давлатлар ўртасида бўлган ўзаро муносабатларни муқаррар кескинлаштиради, зўр бериб қуроллашнни кучайтиради ва Европа халқлари зиммасига ҳарбий харажатларнинг янада оғирроқ машаққатларини юклайди.

Кейинги вақтларда халқаро муносабатлардаги кескинликни ма'лум даражада юмшатишга эришилганлиги ма'лум. Совет делегацияси шунга асосланадики, барча тинчликсевар халқлар халқаро вазиятдаги кескинликнинг янада юмшатилишидан манфаатдорлар. Аммо, Лондон ва Париж битимлари бунга ёрдам бериши ўеқда турсин, балки ажсинча, халқаро вазиятни жиддий суратда ёмонлаштириб юборади ва янги уруш хавфини анча кучайтиради.

Демак, Ғарбий Германияни қуроллантириш тўғрисидаги ана шу битимларга мувофиқ белгиланган тадбирлар Франция ва Англия ҳукуматларининг 1954 йил 11 июньдаги таклифларига ва қуролсизланиш соҳасида иш кўручи кичик комитет оллида турган вазифаларга тамомила зиддир. Франция ва Англия ҳукуматларининг 1954 йил 11 июньдаги таклифлари ядро қуролини тақиқлашни ва оддий типдаги қурол-яроғларни анча камайтиришни кўзда тутар эди.

Мен шуни айтмоқчи бўламанки, қурол-яроғларни ёппасига камайтиришни таклиф қилган ҳолда, Ғарбий Германияни қайтадан ҳарбийлаштиришни амалга ошириш мумкин эмас. Бундай тадбирлар бир-бирига тамомила хилоф ва зид эканлиги ҳаммага равшан бўлмоғи керак».

Кичик комитет ўз ишларини 1955 йил февраль ойи бошларида Лондонда бошлашга қарор қилди. Агар бу муддат кичик комитет составида вакиллари бўлган барча давлатлар (СССР, АҚШ, Англия, Франция ва Канада) учун мақбул бўлса, кичик комитет ана шу кўрсатилган вақтда ўз ишига киришади.

ЮНЕСКОнинг 8нчи бош конференцияси

МОНТЕВИДЕО, 9 декабрь. (ТАСС). ЮНЕСКОнинг программа ва бюджет масалалари комиссияси кеча СССР, Англия, Франция, АҚШ, Чехословакия, Ҳиндистон, Мексика ва Канада делегациялари томонидан «Бутун дун'ё халқлари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни кучайтириш мақсадида информациянинг оммавий воситаларидан фойдаланиш тадбирлари» сарлавҳаси остида тақдим қилинган бирғаликдаги резолюция проектини кўриб чиқди. Бирғаликда тақдим этилган резолюция проекти совет резолюцияси проекти асосида ишлаб чиқилган эди. Совет резолюция проектида информациянинг оммавий воситаларидан урушни пропаганда қилиш ҳамда халқлар ўртасида ўзаро нафратни авж олдиришга хизмат қилучи бошқа ҳарқандай пропаганда учун фойдаланмаслик кераклики кўзда тутилган ва бирқанча мамлакатларнинг делегациялари томонидан проектга киритилган тузатишлар ҳисобга олиб тузилган эди.

СССР делегациясининг бошлиги В. Н. Столетов бирғаликда тақдим этилган резолюция проектини муҳокама қилиш бошланганида сўзга чиқиб, бундай деди: «Совет Иттифоқи делегацияси тақдим этилган резолюция проектининг якдиллик блан ма'қулланиши тинчлик ишини мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ҳисоблайди. Совет делегацияси тақдим этилган резолюция проекти ЮНЕСКО бош конференцияси томонидан якдиллик блан қўллаб-қувватланади, деб умид қилади. Совет Иттифоқи халқлари бутун дун'ё халқлари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни кучайтириш мақсадида информациянинг оммавий воситаларидан фойдаланиш тадбирлари тўғрисида ЮНЕСКО 8-нчи бош конференциясининг резолюциясини қутлаб қарши оладилар. Лекин Совет Иттифоқи халқлари шундай руҳда тарбияланганларки, улар фақат яхши резолюциялар қабул қилиш блангина чекланиб қолмайдилар. Яхши резолюциялар қабул қилингандан кейин шу резолюцияларни рўёбга чиқариш йўлида яхши амалий ишлар қилиниши ҳам лозим».

Совет делегациясининг бошлиги, конференция тақдим этилган резолюция проектини ма'қуллайди. ЮНЕСКОнинг ҳамма а'золари, ижроия комитети, секретариат, ЮНЕСКОнинг бош директори эса қабул этилган резолюцияни амалга оширишни ЮНЕСКО а'золари бўлган давлатлар ва ЮНЕСКО ташкилотининг ўзи учун қилинадиган ишлар программасининг муҳим қисмларидан бири бўлиб қолиши соҳасида лозим бўлган ҳамма чораларни кўрадилар, деб ишонч билдирди.

Англия, Аргентина, АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Уругвай, Чехословакия, Польша, Швеция, Покистон, Янги Зеландия, Ливан ва бошқа бирқанча мамлакатларнинг вакиллари бутун дун'ё халқлари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни кўпайтириш мақсадида информациянинг оммавий воситаларидан фойдаланиш тадбирлари тўғрисидаги бирғаликда тақдим этилган резолюция проектини ма'қуллаб гапирдилар. Программа ва бюджет масалалари комиссияси бирғаликда тақдим этилган резолюция проектини бир оғиздан ма'қуллади. Шу резолюцияда бундай дейилади:

«Бош конференция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари блан шуғулланучи ташкилотининг мақсади маориф, фан ва маданият воситаси блан мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш воситаси блан тинчликка ва хавфсизликка ёрдам беришдан иборат эканлигини назарда тутиб, информациянинг оммавий воситалари бўлган матбуот, радио ва кино мана шу мақсадларга эришишда гоят аҳамиятли эканлигини э'тироф қилиб, информациянинг мана шу оммавий воситаларидан миллий миқ'ёсда ҳам, шунингдек халқаро миқ'ёсда ҳам фойдаланиш соҳасида катта эркинлик бўлишига ёрдамлашиш ва мамлакатлардан мамлакатларга об'ектив информациянинг бемалол ўтиб туришини та'минлаш ниятида, сўнгра, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ўзининг 1947 йил 3 ноябрьдаги резолюциясида тинчликка, тинчликни бузишга ёки агрессия акти бўлишига хавф туғдириш ёки шундай хавфни кучайтириш мақсадилаги ёки шундай хавфни туғдираоладиган пропаганданинг ҳарқандай формаларини қоралаганлигини қайд этиб; инсоннинг қадри-қийматига ва цивилизациянинг келажагига манфаатдор бўлганларнинг ҳаммасини барча мамлакатларда матбуотдан радиодан ва кинодан халқлар ўртасида яхшироқ ҳамжиҳатлик бўлишига ёрдамлашиш учун фойдаланишни рағбатлантиришга ва шундай қилиб информациянинг мана шу оммавий воситаларидан тинчликка, тинчликни бузишга ёки агрессия акти бўлишига хавф туғдириш ёки шундай хавфни кучайтириш мақсадидаги ёки шундай хавфни туғдираоладиган пропаганда мақсадида фойдаланиш йўлидаги уринишлар ҳарқаерда рўй берса ҳам, мана шундай уринишларнинг ҳаммасига қаршилик кўрсатишга чақиради.

ЮНЕСКО а'золарининг ҳаммасини сўз эркинлигини та'минлайдиган ва ЮНЕСКО а'золари бўлган давлатлар ўртасида об'ектив информациянинг бемалол ўтиб туришига гов бўладиган тўсиқларни йўқотадиган ҳамда информациянинг оммавий воситаларидан бутун дун'ё халқлари ўртасида ўзаро ишончни ва ҳамжиҳатликни ўстириш манфаатлари йўлида фойдаланишга ёрдам берадиган зарур чораларни кўришга чақиради,

бош директорга ушбу резолюциядаги қоидаларни ЮНЕСКО томонидан нашр қилинадиган асарлар орқали ва бошқа тегишли воситалар ёрдами блан кенг суратда ёйиш чораларини кўришни топширади».

ҲИНДИСТОНДА КАСАБА СОЮЗ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БИРИНЧИ САНАТОРИЯСИ

ДЕҲЛИ, 9 декабрь. (ТАСС). «Нью эйдж» газетасининг билдиришига қараганда, Бетул шаҳрига (Мадҳья Прадеш штати) яқин жойда Умумҳиндистон касаба союзлари конгрессининг ташаббуси блан Касаба союз ташкилотлари, деҳқонлар ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари а'золарининг дам олиши ва даволаниши учун Ҳиндистонда биринчи санатория қурилган. Газетанинг ёзишича санатория қурилишида қатнашган ташкилотлар дам олишга ва даволанишга муҳтож бўлган кишиларни, уларнинг қайси касаба союзига, қайси тоифа ва динга мансуб бўлишларидан қат'ий назар, мазкур санаторияга юборааоладилар.

Ҳозирги вақтда санаториядаги ўринлар кўп эмас. Аммо, кўпроқ пул олиниши блан унинг территориясида жам'и 25 коттедж қуриш мўлжалланади. Маҳаллий врачлар санаторияда медицина ёрдами кўрсатишга рози бўлдилар.

Дунай комиссиясининг 11-нчи сессияси

БУДАПЕШТ, 8 декабрь. (ТАСС). Бугун Будапештда Дунай комиссиясининг 11-нчи сессияси бошланди.

Дунай комиссиясининг раиси Эндре Шикнинг кириш нутқидан кейин сессия қуйидаги кун тартибини якдиллик блан тасдиқлади: 1. Секретариат ва иш аппаратининг 1954 йилги ишлари тўғрисида комиссия аппарати директорининг ҳисоботи; 2. Шу йил 1 декабрьгача бўлган чиқим сметасининг ижроси тўғрисида ҳисобот; 3. Дунай комиссиясининг 1955 йил бюджетини тасдиқлаш; 4. Дунай комиссиясининг а'зоси бўлган Дунай бўйидаги давлатлар вакилларининг «Дунайда кемалар қатнови тўғрисидаги асосий низомлар» ва «Дар'ё назоратининг ўйғунлаштирилган қоидалари» Дунайлаги ўз участкаларида қандай қоида қўлланилаётганлиги тўғрисидаги ахборотлари; 5. «Дунайда кемалар қатнови тўғрисидаги асосий низомлар»га киритиладиган қўшимчаларни қараб чиқиш; 6. Дунай комиссияси аппаратида ишловчи хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги регламентни тасдиқлаш; 7. Комиссиянинг 1955 йилги иш планини қабул қилиш; 8 Дунай комиссиясининг 12-нчи сессиясини чақириш муддати ва унинг кун тартиби тўғрисида.

Сессиянинг биринчи мажлисида кун тартибидаги дастлабки уч масала юзасидан докладлар тингланди.

Халқаро темир йўл союзининг бош ассамблеяси

ПАРИЖ, 9 декабрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг билдиришига қараганда, Парижда халқаро темир йўл союзининг бош ассамблеяси очилган. Бу ассамблеяда мазкур союзнинг а'зоси бўлган 32 мамлакатнинг, шу жумладан Германия Демократик Республикаси; Польша, Руминия ва Чехословакия делегатлари қатнашмоқда.

Хатояма Япония бош министри қилиб тайинланди

ШАНХАЙ, 9 декабрь. (ТАСС). Токио радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: Бугун кечқурун Япония парламентининг қуйи палатаси исте'фо берган Иосида ўрнига Япония бош министри қилиб Ициро Хатоямани тайинлади ва унга ҳукумат тузишни топширди.

Хатояманинг кандидатурасини демократик партия кўрсатди. У, ўша партиянинг раҳбарилир. Демократик партия қуйи палатада 467 ўриндан 121 ўринга эга. Сўл ва ўнг социалистик партиялар Хатояманинг кандидатурасини қўллаб-қувватлашга шундай шарт блан рози бўлдиларки, у январь ойида қуйи палатани тарқатиб юборишн ва март ойида янги сайлов ўтказиши лозим. Социалистлар ҳозирги вазиятда янги сайлов ўтказиш натижасида парламентдаги мавқи'ларини мустаҳкамлаб олишларини умид қилиб, қуйи палатанинг тарқатиб юборилишини талаб этмоқдалар.

Хатоямани ёқлаб 257 овоз берилди, Иосида бошлиқ либерал партия кандидати Огатани ёқлаб 191 овоз берилди.

Бугун кечқурун маслаҳатчилар палатаси 85 овозга қарши 116 овоз блан бош министр лавозимига Хатояма кандидатурасини ма'қуллади.

Хатояма бир партия вакилларидан иборат ҳукумат тузмоқчи.

Жакартада ёнғин

ЖАКАРТА, 9 декабрь. (ТАСС). 8 декабрьда Жакартада чиққан ёнғин натижасида 1.200 бино нобуд бўлди. 10 мингга яқин киши бошпанасиз қолди. Неча-неча миллион рупия зарар кўрилган.

Тошкентдаги 46-нчи ўрта мактаб ҳузурида ўлкани ўрганиш музейи бор. Музей экспонатлари ўқучилар томонидан тайёрланган, турли коллекциялар география ўқутучиси Ю. З. Нисенбоймнинг рақбарлигида йиғилган. Музейда чўллардаги кўчма қумлар, тоғнинг тузилиши, ҳаракатдаги вулкан ва бошқа экспонатлар бор.

Суратда: 8-нчи синф ўқучиларидан комсомол а'золари **Р. Собирова** (чапдан) ва **Д. Акрамовалар** мактаб музейи учун артизиан қудуқлар макетини тайёрламоқдалар.

Р. Шамситдинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХИМИКЛАРНИНГ ТЕХНИКА ЎҚУВИ

Чирчиқдаги Сталин номли электрохимия комбинатининг аппаратчилари, машинистлари ва бошқа касб эгаларидан 300 га яқин киши ишлабчиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўз ихтисосларини оширмоқдалар.

Яқинда комбинат ҳузурида ташкил этилган мастерлар тайёрлаш курсини 14 ишчи тамомлаб чиқди. 15 ишчи курсни фақат а'ло баҳолар блан тамомлади. Булар орасида аппаратчи Эгамбердиев, Ткаченко, Раҳимов каби ишчилар бор. Улар ҳозир комбинат цехларида мастер ва бригада бошлиқлари бўлиб ишламоқдалар.

Л. ШАМИС.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА ШАШКА МУСОБАҚАСИ

Ўнбешинчи даврадаги ўйинлар ҳам жуда қизиқарли ўтди. Тошкентли мастерликка кандидат И. Гавриленко блан ленинградли мастер Е. Тюневнинг учрашдилар. Тюневнинг йўл қўйган хатосидан фойдаланган Гавриленко ўйинда ғалаба қозонди. Бу Тюневнинг биринчи маглубиятидир.

И. Берштейн блан Ш. Ёқубов учрашди. Ёқубов рақибининг кучсиз ўйнашидан фойдаланди ва ўйинда ғалабага эришди. Мастерликка кандидат Б. Шанишчикер С. Гуляев устидан ғалаба қозонди. С. Петров блан Н. Шутилкин ўрталаридаги ўйин қизғин кураш блан ўтди. Тўрт соат давом этган бу ўйин дуранг бўлиб тугади. Л. Хейф блан П. Святой ўртасидаги ўйин ҳам дуранг бўлди.

Ўнолтинчи даврадаги учрашувлар ҳам қизғин ўтди, лекин бу даврада ҳечким ғалабага эришаолмади. Учрашувларнинг ҳаммаси дуранг бўлиб тугади.

Ҳозирча мусобақада 9,5 очкога эга бўлган Хейф олдинда бормоқда.

ЭРТАГА ТИРАЖ

СССР Халқ хўжалигини ривожлантириш (1953 йилда чиқарилган) Давлат заёмининг иккинчи ютуқлар тиражи 12 декабрьда ўйналади.

Тираж Орёл шаҳрида ўтказилади. (ТАСС).

Об-ҳаво ма'лумоти

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент областида ва Тошкентда ҳаво бироз булутланиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 7 — 11 даража иссиқ бўлади.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети барча депутатларга ма'лум қиладики, шу йил 13 декабрьда, кеч соат 5 да меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг IV чақириқ XI сессияси чақирилади.

Сессия Свердлов номидаги театр биносида бўлади. Депутатлар театр биносида кеч соат 4 дан то 5 гача рўйхатга олинади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/XII да **Оғриқ тишлар**, 12/XII да кундуз **Ҳамза**, кечқурун **Оғриқ тишлар**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **қизиқчилар группаси гастрольларининг давоми.** Юмор, сатира, култи. **Ван Зе-вей** раҳбарлигида **янги хитой аттракциони, эстон артистлари** ҳамда **ўзбек цирк коллективининг гастрольлари.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», **НАВОИЙ** номли, **«ИСКРА»**, **«ЕШ ГВАРДИЯ»**, **«ЎЗБЕКИСТОН»**, **«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ»**, **«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ»** — янги бадиий фильм **Ниначи.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — 12/XII гача эрталаб соат 10 да **Африка** (1 ва 2-нчи серия).

«ИСКРА» — 3-нчи залда кеч соат 6-20 минутда илмий-оммабоп фильмлар: **1) Заҳарли илонлар, 2) Дўстларнинг спортда учрашуви.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими—135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 08747. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1576.